ЖАҲОНГИРНИНГ АДОЛАТИ

НАМАНГАН. Халқаро "Қизил хоч" ва "Қизил Ярим Ой" жамиятлари фаоллари ҳам савоб истаганлардан. Улар хайрли ишга қўл уриб, "Уруш ва инсонпарварлик" кўргазмасини очишди. Кўргазмада "Қизил хоч"нинг 1864 йилда ташкил этилганлигидан тортиб, бугунгача бўлган фаолияти ўз ифодасини топган. Қизиғи шундаки, кўргазмада Амир Темур даврига доир экспозициялар ҳам бор. Томошабинлар Соҳибқиронинг ҳарбий асирларга шафқати адолат тантанасидан нишона эканлигини эътироф этмоқдалар. Олти аср аввал бобомиз яратган адолат тамойиллари бугунги кунда ҳам кўпчиликка ибрат бўмоқда.

Маҳмуджон ПАРПИЕВ.

СЎНГГИ СОАТДА

янгиликлар, воқеалар, хабарлар

ҲИНДИСТОНЛИК ҲАКИМ ҲИММАТИ

ФАРҒОНА. Вилоятдаги ногиронлар учун протезлар ва оёқ кийимлари тайёрловчи "Уста" жамоа корхонасида ҳиндистонлик машҳур ортопед-профессор Болу Шанкаран ўз шогирдлари билан ногиронларга протезлар қўймоқда. Ҳозирга қадар 25 нафар ногиронга протез қўйди. Махсус таянч мосламалари ҳар жиҳатдан қулай бўлиб, улар санитария талабларига жавоб беради. Яқинда "Уста" жамоа корхонасида бўлиб ўтган йиғилишда фарғоналиклар беғараз ёрдам учун ҳиндистонлик биродарларга миннатдорлик сўзлари айтишди.

Алишер ИБОДИНОВ.

СОҲИБҚИРОНГА ТАЪЗИМ

ТОШКЕНТ. "Ўзбекистон — Япония" дўстлик жамияти тузилганига кўп бўлгани йўқ. Куни кеча мамлакатимизга меҳмон бўлиб келган "Фукусима — Ўзбекистон" маданий-иқтисодий марказ вакиллари билан Ўзбекистон Республикаси халқаро алоқалар миллий ассоциациясида ўтказилган учрашув ўзаро муносабатларни янада мустаҳкамланишига хизмат қилиши шубҳасиз. Жаноб Ито Цукаса бошчилигидаги меҳмонлар Бухоро ва Самарқандга йўл оладилар, Соҳибқирон бобомиз ҳайкалларини зиёрат қиладилар. Кейин япон ҳарбий асирлари дафн этилган жойларга борадилар.

Умида ФАЙЗИЕВА.

ОРТИҚ ОТА САХОВАТИ

БУХОРО. Олотлик саховатли инсон Ортиқ ҳожи Жўраев ҳамиша савобли ишларнинг бошида туради. Яқинда у ўз шахсий жамғармаси ҳисобидан 15 минг сўмлик дори-дармонни сотиб олиб, туман шифохонасига ҳадя этди. "Улуғ ўтмишдошимиз Аҳмад Яссавий айтганларидек, мол-дунё йиққан билан фойда йўқ, — дейди Ортиқ ота. — Уни эл-улус билан баҳам кўрганга худо баракасини ёғдиради. Ахир бир қўлинг ёпиқ бўлса, иккинчиси очиқ бўлганига не етсин". Ҳа, Ортиқ ҳожи бу билан чегаралангани йўқ. Бу ишни йил охиригача давом эттирмоқчи. Отахон касалхонага келиб беморлар ҳолини сўраш билан бирга дори-дармонлар ўрнини тўлдириб кетмоқда. Шундай инсонлар бор бўлсин дунёда, дейишмоқда беморлар.

Даврон БАҲРОНОВ.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1996 йил 26 октябрь, шанба № 138 (22.059).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

КАСБИНИНГ КАТТА КАРВОНИ

Соҳибқирон бобомиз Амир Темур ҳазратларининг қутлуғ тўйи нишонланаётган айни кунларда ажойиб хушхабар тарқалди: Касби тумани пахтакорлари 56 минг тонна пахта топшириб, йиллик режани вилоятда биринчи бўлиб адо этдилар.

Бу катта хирмон осонликча яратилган эмас. Уч йилдан буён пахтанинг «С-6530» ва «Термиз-24» навлари ўстирилаётгани, чигит тўлиқ пуштага экилаётганлиги, энг муҳими ер ўз эгасига топширилганлиги юқори самара бермоқда. Ҳосилнинг 23 минг тоннаси машинада терилди. Пахта далаларида 22 мингдан зиёд теримчи хирмонни янада юксалтириш учун ғайрат кўрсатишмоқда.

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ СЕССИЯСИ

25 октябрь куни халқ депутатлари Жиззах вилоят кенгашининг сессияси бўлди. Сессия ишида вилоятдан сайланган Олий Мажлис депутатлари, туманлар ҳокимлари, бир қанча вазирлик ва республика ташкилотларининг раҳбарлари иштирок этди.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. Алишер Тошкенбоев бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан вилоят ҳокими вазифасидан озод этилди. Президент Ислом Каримовнинг тавсиясига биноан Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани ҳокими вазифасида ишлаб келаётган Шавкат Мирзиёев Жиззах вилояти ҳокими этиб тасдиқланди.

Сессияда республика Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг энг оғир босқичи ортда қолди, деди Президент. Ўзбекистон тараққиёт ва ривожланиш йўлидан собитқадамлик билан бормоқда. Янгича муносабатлар асосида иқтисодиётимизнинг барқарорлашувида жиззахликларнинг ҳам ҳиссаси, муносиб ўрни бор. Вилоятда кейинги икки-уч йил мобайнида бир қанча ободонлаштириш ишлари бажарилганини, айниқса Жиззах шаҳри қиёфаси миллий услубда ўзгарганини, янги бозорлар қуришга эътибор берилганини қайд этмоқ даркор.



СУРАТЛАРДА: сессия пайти.

Р. НУРИДДИНОВ (ЎзА) олган суратлар.

Лекин, шуни таассуф билан таъкидлаш лозимки, вилоятда ислоҳотларни амалга ошириш, меҳнаткашларни долзарб масалаларни ҳал этишга сафарбар қилиш, қишлоқ инфраструктурасини ривожлантириш, аҳоли турмуш шароитини яхшилаш борасидаги ишларнинг самараси ҳамон пастлигича қолмоқда, деди юртбошимиз. Хусусан, халқ хўжалигидаги етакчи тармоқ — пахта етиштиришда аҳвол мутлақо қониқарли эмас. Бу борадаги режалар тўрт йилдан буён сурункасига бажарилмай келмоқда. Шу давр мобайнида вилоят бўйича ҳосилдорлик 6-7 фоиз камайганини қандай изоҳлаш мумкин?

Вилоятда бу йил қарийб 500 минг тонна ғалла етиштирилиши керак эди. Лекин давлатга ғалла сотиш режаси 53 фоиз бажарилди, холос. Бу ҳолнинг сабаби ерларни вақтида шудгор қилмаслик, экиш муддатларини кечиктириш, уруғ сифатига эътибор бермаслик, техника воситаларини мавсумга пухта тайёрламаслик, қисқача айтганда — вилоят, туман ва хўжалик раҳбарларининг ишга етарли масъулият билан ёндашмаётганлигида, боқимандалик кайфиятидан халос бўла олмаётганидадир. Бундай ўзибўларчилик кайфиятига барҳам бериш керак.

Қишлоқда янги ишчи ўринлари барпо этиш, фуқаролар соғлиғини мустаҳкамлаш, таълим-тарбия ва маънавиятни юксалтириш борасидаги ишларни жонлантириш ҳам ҳар бир раҳбарнинг диққат-марказида туриши зарур.

Ислоҳотларнинг муваффақияти кадрлар малакасига, ташкилотчилик қобилиятига, жонкуярлигига, ҳалол ва поклигига, нечоғли ватанпарварлигига боғлиқ, деди Ислом Каримов пировардида. Ишонаманки, ҳамма аҳиллик билан меҳнат қилса вазиятни ўнглаб олиш, вилоят тараққиётини тезлаштириш мумкин. Фақат имконият ва ҳаракатлар, ғоя ва мақсадлар бирлигига эришмоқ даркор.

Сессияда республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари Т. Алимов, Б. Ғуломов, Бош вазир ўринбосари Р. Гиниятуллин қатнашди.

(ЎзА).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

Ш. М. МИРЗИЁЕВНИ ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИНИНГ ҲОКИМИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-(12-банди) ва 102-моддаларига мувофиқ:

Шавкат Миромонович Мирзиёев Жиззах вилоятининг ҳокими этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1996 йил 25 октябрь.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

А. Х. ТОШКЕНБОЕВНИ ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИНИНГ ҲОКИМИ ВАЗИФАСИДАН ОЗОД ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Алишер Холмуродович Тошкенбоев бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Жиззах вилоятининг ҳокими вазифасидан озод этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1996 йил 25 октябрь.

ХАЛҚИМИЗ ДАҲОСИНИНГ ТИМСОЛИ

24 октябрь куни Тошкентдаги муҳташам «Туркистон» саройида «Амир Темур ва унинг жаҳон тарихида тутган ўрни» мавзуидаги халқаро илмий конференция бўлиб ўтди

Бу илмий анжуман соҳибқирон Амир Темурнинг 660 йиллик юбилейи муносабати билан ЮНЕСКОнинг Париждаги қароргоҳида ўтказилган тантаналарнинг мантиқий давомидир. Соҳибқирон юртида ўтказилаётган бу халқаро илмий анжуманга ҳам шу обрўли халқаро ташкилот шафелик қилмоқда.

Конференция иштирокчилари анжуман бошланиши арафасида пойтахтимизнинг Амир Темур хиёбонидаги Соҳибқирон ҳайкали пойига гуллар қўйиб, буюк даҳога эҳтиром билдирдилар. Улар Темурийлар тарихи Давлат музейига ҳам ташриф буюриб, ундаги қимматли экспонатлар билан танишдилар.

Маълумки, буюк Амир Темур нафақат Марказий Осиё, балки жаҳон тарихида ҳам ўчмас из қолдирган давлат арбоби, саркарда ва илм-фан ҳомийсидир. Шу боис улуғ бобокалонимиз номини қоралашга уринган шўро замонида ҳам жаҳонда унинг шахсига ва фаолиятига катта қизиқиш ҳеч қачон сўнгани йўқ. Ўзбекистон мустақил бўлиб, Темур авлодлари буюк Со-

(Давоми 2-бетда).

АМИР ТЕМУР — ФАХРИМИЗ, ҒУРУРИМИЗ

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ АМИР ТЕМУР ТАВАЛЛУДИНИНГ 660 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ХАЛҚАРО ИЛМИЙ КОНФЕРЕНЦИЯДАГИ МАЪРУЗАСИ

Хонимлар ва жаноблар!

Конференциянинг муҳтарам иштирокчилари!

Азиз дўстлар!

Барчангизни ўзбек заминида қутлашга ва Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган тантаналаридаги иштирокингиз учун миннатдорлик билдиришга ижозат бергайсизлар.

Халқимиз номидан Темур ва Темурийлар даврига юксак эҳтиром кўрсатаётган барча давлат ва жамоат арбобларига, олимларга, санъат ва маданият намоёндаларига, хориждаги юртдошларимизга самимий миннатдорчилик билдирамиз.

Қадрли конференция қатнашчилари!

Мен бугун Амир Темур даври ва бу буюк тарихий шахс маънавий меросининг ҳозирги замондаги аҳамияти хусусида баъзи фикрларимни сизларнинг эътиборингизга ҳавола қилмоқчиман.

Авваламбор шуни таъкидлашимиз керакки, Амир Темурдек тарихий шахсларни, саркарда ва соҳибқиронларни тарих тақозоси, шу замон талаблари, керак бўлса, замон эҳтиёжи ҳаётга олиб келади ва ул зотларнинг фазилат — хусусиятларини намоён қилишга замин яратади. Бундай қонуниятни кўплаб мисолларда тасдиқлаш мумкин. Шунинг учун ҳам Амир Темур шахси ва фаолияти ҳақида гапирар эканмиз, авваламбор шу даврдаги, шу асрдаги тарихий вазият ҳақида алоҳида тўхталиб ўтишимиз лозим.

Амир Темур сиёсий саҳнага қадам қўйганда эндигина 24 ёшга кирган эди. Мамлакатда бошбошдоқлик, маҳаллий сиёсий кучларнинг ўзаро қарама-қаршилиги авжига чиққанди. Бу ҳам камдек асосий қудрати тарихий Мўғулистонда мужассамлашган чингизийлар тез-тез Мовароуннаҳрга зуғум қилиб турардилар.

Бир ярим асрга яқин давом этган бу муддат қарамлик жафосини ҳар томонлама чекиб келган оддий фуқаролардан тортиб, кўпчилик йирик сиёсий арбоблару дин пешволаригача барча-барча учун ниҳоятда оғир давр бўлган. Жамият озодлик ва тараққиётга бўлган манфаатларини ўзида мужассам этган халоскорга, етакчига муштоқ эди.

Тақдир тақозоси билан Амир Темур ана шундай халоскор ва етакчи сифатида майдонга чиқди.

Иккинчи хулоса аслида биринчи фикрнинг мантиқий давомидир. Кимки Амир Темур қадимий Туркистон заминида тасодифан пайдо бўлган деса, хато қилади. Нега деганда ҳеч нарса тўсатдан пайдо бўлмайди. Ҳамма нарсанинг ўз қонунияти бор.

Ал-Хоразмий, Улуғбек, Беруний, Навоий, Бобур ва бошқа ўнлаб-юзлаб даҳоларимиз ҳам тўсатдан, яйдоқ бир жойда пайдо бўлгани йўқ. Улар мана шу заминда юзага келган муҳитнинг ҳосили сифатида пайдо бўлган. Маълумки, ҳосил пайдо бўлиши учун заминни озиқлантириш керак. Тупроқни ўғитлаб, парвариш қилиб, шундан сўнггина дарахт экиш керак.

Яъни, мен бу билан демоқчиманки, бу замин — қадимий Турон ва Туркистон замини азалдан маънавий озиқланган, маданий қатламга эга бўлган. Ўзбек давлатчилигининг тарихий асослари қарор топганига Амир Темур замонасида икки минг йилдан ошган эди.

Яна таъкидлаб айтаман: юртимизга Амир Темур бош бўлган йилларда сиёсий, иқтисодий, маданий соҳаларда қўлга киритилган ютуқлар бўм-бўш, ҳувиллаган жойда юзага келмаган. Балки шу маконда қадимдан ривожланиб, шаклланиб келган тарихий-маданий анъаналар асосида қарор топган.

Янада аниқроқ айтсак, Амир Темур ўзбек халқининг кўп минг йиллик тарихий равнақида тасодифий шахс, умуман Темурийлар даврида юксалиш эса шунчаки бехосдан юз бериб қолган ҳодиса эмас! У бир неча минг йиллик тарихий тажриба, буюк анъана, том маънода шаклланган маданий-маънавий жараён маҳсулидир!

Учинчи мулоҳаза ҳам бирдирилган биринчи ва иккинчи хулоса билан узлуксиз боғланган. Жаҳон маданий ва маънавий жамоатчилиги ўрта асрларда Амир Темур туғган давлат ва унинг бутун дунё эътиборини ўзига жалб қилган оламшумул фаолияти, умумбашарият хазинасига қўшган ҳиссаси билан танишар экан, уни ўстирган юртга ва мана шу ҳудудда ундан кўп аср олдин ўтган буюк алломаларнинг ижодий меросини, уларнинг табаррук номларини ҳам яна бир бор кашф этиши ва кенг миқёсда ўрганишига замин ва шароит туғилди.

Шу маънода IX асрдаёқ европаликлар кейинчалик «Алгебра» деб атаган фанга асос солган буюк ватандошимиз ал-Хоразмийнинг;

Христофор Колумбдан қарийб беш аср олдин океан ортида қуруқлик, яъни кейинчалик Америка деб ном олган қитъа борлигини башорат қилиб, илмий асослаб берган қомусий билим соҳиби Абу Райҳон Берунийнинг;

(Давоми 2-бетда).

САМАРҚАНДДА СОҲИБҚИРОН ТЎЙИ

Минораю гумбазларнинг фусункор нилий бўёқлари осмон ранги билан қоришиб кетган Шарқнинг қадим, муаззам шаҳри бугун олти асрлик ўтмишга қайтиб ўз салобати, улуғворлигини қайтадан кашф этмоқда. Етти иқлим ҳукмдори Амир темур салтанатининг пойтахти сифатида асл қиёфасини тиклаб, жаҳонни ҳайратга солаётир. Соҳибқиронинг юртни обод ва озод кўриш, миллат дардларига дармон бўлиш йўлидаги улуғ ва машаққатли ишлари миннатдор авлодлар қалбидан мангу жой олажагини намоён этмоқда.

Самарқандга, буюк бобокалонимиз Амир Темур ҳазратларининг 660 йиллик юбилейи тантаналарига ташриф буюрган кишилар буни яна бир карра чуқур ҳис қилдилар. Юбилей муносабати билан Соҳибқирон пойтахти чинакам шодиёналар оғушида қолди. Эрта тонгданоқ Регистон узра янграган карнай-сурнай садолари барча-барчани тантанага чорлади. Бу ерда самарқандлик энг моҳир пазандаю созандалар, ширинзабон шоиру санъаткорлар халқ хизматида бўлишди. Савдо ва миллий ҳунармандчилик маҳсулотлари кўргазмаси уюштирилди. Регистон майдонига ташриф буюрганларга наҳор оши берилди.

Эрталаб соат тўққиз. Байрамона безатилган Самарқанд тайёрагоҳида юбилей тантаналарида қатнашиш учун келган меҳмонларни кутиб олиш маросими бўлди.

«Амир Темур ва унинг жаҳон тарихида тутган ўрни» халқаро илмий конференция иштирокчилари, хорижий давлатларнинг мамлакатимиздаги элчихоналари ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари раҳбарлари, чет эллик журналистлар буюк Соҳибқирон таваллудининг 660 йиллик тантаналарида иштирок этиш учун Самарқандга келдилар

Самарқанд заминидаги илк тадбир жаҳон тарихида ёрқин из қолдирган улуғ даҳо — Амир Темур ҳайкали пойига гуллар қўйиб, унинг шахсига эҳтиром билдиришдан бошланди.

Меҳмонлар 1399-1404 йиллари Соҳибқирон бунёд эттирган Бибихоним масжиди, Шоҳи Зинда ансамблини томоша қилдилар. Улуғбек расадхонасига ташриф, айниқса, қизиқарли бўлди. Бу ерда меҳмонлар Соҳибқирон ҳомийлик қилган илм-фан мактаби эришган юксак илмий натижалардан огоҳ бўлдилар.

Конференция иштирокчилари ва бошқа меҳмонлар Соҳибқирон бунёд этган 19 боғнинг 17 таси жойлашган Самарқанд туманида бўлиб, ана шу гўзал боғлардан бири бўлган «Боғи Беҳишт»га ташриф буюрдилар. Улар бу гўшада турли миллат фарзандларининг жам бўлиши, тарихни ўрганиш борасидаги ҳамкорлиги дунё халқларининг бир-бирини чуқур англашига кўмак беришини таъкидладилар, ана шундай имконият учун Темур даҳосидан миннатдор бўлиш лозимлигини, бугун ислоҳотларни дадил амалга ошираётган ўзбек халқи, албатта, ўзининг эзгу мақсадларига эришишига ишонч билдирдилар.

Меҳмонлар қутлуғ қадамжоларга ташриф чоғида Соҳибқирон қабрини зиёрат этдилар.

Шу куни «Афросиёб» меҳмонхонасининг мажлислар залида конференция қатнашчиларининг журналистлар билан учрашуви бўлди.

Ўзбекистон Бош вазири ўринбосари С. Саидқосимов конференция якунлари ҳақида сўзлар экан, унинг муваффақият билан ўтганини, Ўзбекистон ҳукумати анжуман иштирокчиларининг темурийхонлик кунлари ўтказиб туриш ҳақидаги ташаббусини қўллаб-қувватлашини таъкидлади.

Вилоят ҳокимлиги номидан меҳмонлар шарафига тантанали қабул маросими уюштирилди.

Кечқурун кўҳна Регистон майдони тантаналар марказига айланди. Қадимий қадамжо чинакам байрамона безатилган. Нилий гумбазлар, кўркам кошинлар анвойи гулларга бурканган. Уларга яраш тушган замонавий безаклар кўҳна обидаларга янада ўзгача чирой бахш этган.

Бу ерга илмий конференция қатнашчилари, хорижий давлатлардан келган меҳмонлар, элчилар ташриф буюрдилар. Мамлакатимизнинг фан ва маданият арбоблари, ишлаб чиқариш илғорлари, фахрийлар, фаоллар, минг-минглаб фуқаролар йиғилишган. Регистон узра оқшом чўка бошлагач, барчанинг эътибори буюк соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган театрлашган томошаларга қаратилди. Майдон ўртасида ўрнатилган саҳна ёришиб, бирин-кетин санъаткорлар чиқиб келдилар. Меҳмонлар ва байрамга ташриф буюрган минглаб кишилар Амир темур ҳаётининг энг ҳаяжонли ва шиддатли лаҳзаларини қамраб олган жуда мазмундор ва зукколик билан тайёрланган спектаклни томоша қилишди.

Соҳибқиронга бағишланган томошалар ва халқ сайли шу куни ярим тунгача давом этди.

Тантаналарда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси Э. Халилов, Бош вазир Ў. Султонов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари, Амир Темур таваллудининг 660 йиллик тадбирларини ўтказиш республика ташкилий қўмитаси раиси И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари Т. Алимов, Б. Ғуломов, Ҳ. Жўраев, Самарқанд вилояти ҳокими А. Мардиев, Самарқанд шаҳар ҳокими А. Носиров, республика ташқи ишлар вазири А. Комилов ва бошқа расмий кишилар иштирок этди.

Амирқул КАРИМ,
Ҳамза ШУКУР.

ХАЛҚИМИЗ ДАҲОСИНИНГ ТИМСОЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

ҳибқироннинг муборак номини, у ҳақдаги тарихий адолатни тиклашга киришган бир пайтда ўтаётган мазкур конференцияда дунёнинг 25 мамлакатидан йирик олимлар, тадқиқотчилар, жамоат арбоблари иштирок этаётгани бу қизиқишнинг тобора кучайиб бораётганидан дарак беради.

Ўзбекистон Фанлар академияси президенти Т. Жўраев халқаро илмий анжуманни очди. Сўз Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга берилди. Юртбошимиз анжуман иштирокчиларини Амир Темур таваллудининг 660 йиллик юбилейи байрами билан қутлади. Амир Темур даҳоси, унинг тарих саҳнасига чиқиш сабаблари, буюк бунёдкорлик фаолияти, бугунги кунда Соҳибқирон шахсига нисбатан тарихий адолатни тиклашнинг моҳияти ҳақида маруза қилди.

ЮНЕСКОнинг Осиё-Тинч уммони мамлакатлари бўйича директори С. Окажима конференция иштирокчиларига ЮНЕСКО Бош директори Федерико Майорнинг табригини ўқиб эшиттирди ҳамда буюк Соҳибқирон ва Темурийларнинг тарихий хизматлари ҳақида сўзлади.

Марказий Осиё халқлари маданияти ассамблеяси президенти, атоқли ёзувчи Чингиз Айтматов ўз сўзида Амир Темурнинг давлат арбоби, саркарда, туркий халқлар маънавияти ривожида муҳим ўрин тутгани ҳақида фикр юритди, улуғ соҳибқирон умумтуркий ватанпарварлик намунаси эканини алоҳида таъкидлади. Боболар номини улуғлаш, улар меросини ўрганишда жонбозлик қилаётган ўзбек халқига ташаккурини изҳор этди.

Франциялик Люсьен Керен, америкалик Ричард Нельсон, мисрлик Насрулло Мубошир Тарозий, германиялик Клаус Пендер ва бошқа йирик тадқиқотчи-олимлар Амир Темурнинг Европа давлатлари билан дипломатия алоқалари, унинг ҳарбий стратег сифатидаги иқтидори, Қоҳира кутубхоналарида сақланаётган нодир қўлёзмалар, Темурнинг оламшумул мероси каби мавзуларда маруза қилдилар.

Куннинг иккинчи ярмида конференция ўз ишини беш шўъбага бўлинган ҳолда давом эттирди.

Конференция иштирокчилари «Амир Темур ўрта асрнинг йирик ислоҳотчиси, давлат арбоби, лашкарбошиси», «Амир Темур ва Темурийлар даврида ижтимоий-иқтисодий ҳаёт», «Амир Темур — фан, маданият ва таълимот ҳомийси», «Амир Темур ва Темурийлар давлатининг халқаро алоқалари», «Амир Темур ва Темурийлар даври тарихнавислиги» каби мавзуларда маърузалар тингладилар.

Кечга яқин халқаро илмий конференция иштирокчилари яна «Туркистон» саройида ялпи мажлисга йиғилдилар.

Шўъба раислари йиғилганларга Амир Темурнинг жаҳон тарихида тутган ўрни ҳақида билдирилган мулоҳаза ва фикрлар ҳақида ахборот бердилар.

Сўнгра тингланган маърузалар юзасидан баҳс-мунозаралар бўлиб ўтди. Шу билан «Амир Темур ва унинг жаҳон тарихидаги ўрни» мавзуидаги халқаро илмий конференция ўз ишини якунлади.

Конференция ишида Ўзбекистон Олий Мажлиси Раиси Э. Халилов, Бош вазир Ў. Султонов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари, Амир Темур юбилейига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш республика ташкилий қўмитаси раиси И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, Олий Мажлис Раиси ўринбосарлари, Бош вазир ўринбосарлари, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов иштирок этди.

Анжуманда БМТнинг Ўзбекистондаги доимий вакили Холид Малик ва хорижий давлатлар, шунингдек, халқаро ташкилотларнинг мамлакатимиздаги ваколатхоналари раҳбарлари ҳозир бўлди.

Конференция иштирокчилари 25 октябрь куни Соҳибқирон салтанатининг пойтахти бўлган қадимий Самарқандга ташриф буюрдилар, юбилей тантаналарида иштирок этдилар.

(ЎзА).

АМИР ТЕМУР — ФАХРИМИЗ, ҒУРУРИМИЗ

(Давоми. Боши 1-бетда).

«Тиб қонунлари» номли машҳур асарининг ўзиёқ лотин тилида 30 мартадан зиёд нашр этилиб, ўрта асрларда бутун дунё, шу жумладан Европа тиббиёт институтларида қўлланма сифатида ўқитилган улуғ аждодимиз Ибн Сино каби кўплаб алломаларнинг номлари ва илмий ишлари билан дунё аҳли айнан Амир Темур замонида қайтадан ва чуқурроқ танишган, деб айтсак, менимча, муболаға бўлмайди.

Қисқача айтганда, Амир Темурдек мислсиз ёрқин шахс тарих саҳнасида пайдо бўлиб, ўзини тарбиялаган, ўзига ҳаётбахш маънавий озуқа берган, уни буюк ишларга чорлаган элюртининг номига ва маданиятига жаҳон миқёсида катта қизиқиш уйғотганини яна бир бор таъкидлаб ўтмоқчиман.

Тўртинчи фикр. Биз Амир Темур тарихини ҳар томонлама чуқур ўрганишимиз ва тадқиқ қилишимиз керак. Бугунги анжуман ана шу йўлдаги муҳим қадамдир. Сир эмаски, коммунистик мафкура ҳукмрон бўлган совет жамиятида тарих фани ҳам улуғ давлатчилик, улуғ миллатчилик ғояларининг қурбони бўлган эди. Шу сабабли бу даврда собиқ Совет Иттифоқи ҳудудида яратилган тарихий асарларда Амир Темур шахси ва фаолиятига адолатсизлик билан бир ёқлама баҳо берилди. Бу ғоя ер юзининг олтидан бир қисмини эгаллаган улкан ҳудудда яшаган икки юз эллик миллион халққа зўрлаб сингдирилди. Ана шундай нотўғри ва ғайриилмий қарашларга танқидий баҳо бериб, Амир Темурга нисбатан тарихий адолатни қарор топтириш бугунги темуршуносликнинг муҳим вазифаларидан биридир.

Бешинчи фикр. Минг афсуски, биз бошимиздан ўтказган мустабид тузум туфайли шундай бир аҳволга тушиб қолган эдикки, улуғ аждодимизнинг тарихи ва фаолиятини, башарият ривожига қўшган ҳиссасини бугунги кунда хорижда — АҚШ, Германия, Франция, Буюк Британияда, Ҳиндистон, Туркия, Эрон, Покистон ва бошқа мамлакатларда бизнинг ўзимиздан кўра кўпроқ билишади. Бизлар — яъни Амир Темурнинг Ватани бўлмиш шу заминда ўсган одамлар унинг фаолиятини жуда оз биламиз. Айтинглар, азиз дўстлар, бундан ҳам ортиқроқ адолатсизлик, ноинсофлик бўлиши мумкинми?!

Бу ҳолат бизнинг мустамлака зулмида яшаганимизнинг исботи, бизни буюк тарихимиздан бутунлай жудо қилишга бўлган интилишларнинг оқибати эмасми?

Бугун дунёнинг қарийб 50 мамлакатида темуршунос олимлар фаолият кўрсатмоқда. Темур ва Темурийлар даври ҳақида кўплаб китоблар нашр этилмоқда.

Дунё илмий жамоатчилигининг Амир Темур шахсига бўлган юксак эътиборини ҳисобга олиб, ЮНЕСКО ташкилотининг бугунги мўътабар санага бевосита ҳомийлик қилаётгани ҳам, бизнинг фикримизча, ғоят адолатли бир иш бўлди.

Ўтган олти юз йил мобайнида Амир Темурга бағишлаб яратилган жиддий асарлар сони Европа тилларида 500 дан зиёд, Шарқ тилларида эса 900 га яқинни ташкил этади.

Буюк бобомизга бўлган бу қадар юксак эътиқод ва эҳтиромингиз учун мен мана шу минбардан туриб сизларга ва сизлар орқали Амир Темурга иззат-икром кўрсатган барча инсонларга, сизлардан олдин йиллар давомида, асрлар мобайнида бизнинг улуғ аждодимизнинг меросини холисона ўрганган ва унинг номини абадийлаштирган фидойи олимларга, илмий даргоҳларга яна бир бор ташаккур билдираман.

Бу олижаноб ишга хориждаги тарихчиларни ҳеч ким даъват этган эмас. Бу ишлар улар учун катта бойлик ва нуфуз орттириш манбаи ҳам бўлмаган. Аммо бу олимларнинг илмий виждони, керак бўлса, инсоний виждони шуни тақозо қилган. Биз бундай одамларга, мана шу залда ўтирган узоқ ва яқин қўшни давлатларнинг вакилларига ҳар қанча тасаннолар айтсак арзийди.

Бизнинг бугунги асосий вазифамиз шундан иборатки, асрлар давомида дунёнинг турли мамлакатларида Амир Темур меросига бағишлаб йирик илмий марказларда ҳақиқатгўй олимлар томонидан яратилган тадқиқотларни чуқур ўрганишимиз, сизларнинг китобларингизни таржима қилишимиз, халқимизга, келгуси авлодимизга тарихни холис ва ҳаққоний ўргатувчи дарсликлар сифатида, бизнинг фахру ифтихоримиз сифатида тақдим қилишимиз керак.

Ишончим комилки, сизлар ва сизлардан олдин ўтган темуршунос дўстларимизнинг илмий жасорати, машаққатли меҳнати бугун биз учун энг катта бойликдир.

Муҳтарам конференция иштирокчилари!

Яна **бир муҳим масалага** тўхталиб ўтмоқчиман.

Озод ва обод Ўзбекистон учун бугун Амир Темур шахсияти ва мероси нима учун керак?

Буюк аждодимизнинг қайси фазилатлари биз учун азиз?

Биринчидан, Амир Темур аввало қудратли давлат қурган. Давлат қудратли бўлмаса, бетакрор маънавий мерос ҳам, обидалар ҳам, тарихий ёдгорликлар ҳам бўлмасди.

Ўзбекистоннинг бугунги озодлигини мустаҳкамлаш даврида Амир Темур биз учун буюк давлат асосчиси сифатида қадрлидир. У давлат пойдеворини қурган, давлатнинг ҳуқуқий асосларини барпо этган. Унинг давлатчилик борасидаги фикрлари нафақат ўз даври, балки келгуси авлодлар учун ҳам катта аҳамият касб этади.

Амир Темур ўз давлатини фақат кучга суяниб бошқаргани йўқ. Афсуски, баъзи манбалар ва тадқиқотларда шундай фикрлар баён қилинади. Шахсан мен бу нуқтаи назарга қаршиман. Агар бу давлат фақатгина кучга таянган ҳолда тузилган бўлса эди, авваламбор, бунчалик узоқ давр туролмасди.

Амир Темур ўз давлатини ақлзаковат ва ҳуқуқий асос билан идора этган, десак, адолатдан бўлади.

Унинг **«Давлат ишларининг тўққиз улушини кенгаш, тадбир ва машварат, қолган бир улушини қилич билан амалга оширдим»,** деган сўзлари бунинг ёрқин далилидир.

Иккинчидан, Амир Темур бундан 600 йил аввалроқ ҳеч қандай давлатнинг қўшнилари билан ўзаро алоқа тузмасдан, яъни, бугунги тил билан айтганда, **ҳамкорликсиз** истиқболи бўлмаслигини теран ва яхши англаган. Шу сабабли, у Европа ва Осиёни боғлашга хизмат қилган улкан ишларни амалга оширган. Бир томондан — Хитой, Ҳиндистон, бир томондан — Франция ва Англия, яна бир томондан — Рум, Испания, Италия, Миср ва бошқа давлатлар билан алоқалар ўрнатган ва шу муносабатларни мустаҳкамлашга уринган.

Амир Темур фаолиятидаги биз учун ибратли нуқталардан яна бири шундаки, у савдо-иқтисод муносабатлари орқали халқлар, мамлакатлар ўртасида ягона макон барпо этиш соҳасида шундай ютуқларга эришганки, бунга қойил қолмасдан иложимиз йўқ.

Амир Темур Испания қироли Генрих III, Франция ҳукмдори Карл VI, Англия қироли Генрих IV саройларига элчилар юбориб, мутаносиб равишда испаниялик, французлик, англиялик, хитойлик ва бошқа қатор хорижий элчиларни ўз салтанатида қабул қилган.

Соҳибқироннинг Франция қироли Карл VIга ёзган хатидаги қуйидаги фикри диққатга сазовордир: **«Сиз ўз савдогарларигизни менинг салтанатимга юборинг. Биз уларни илиқ қарши олиб иззат-икром кўрсатамиз. Биз ҳам ўз савдогарларимизни сизнинг юртингизга йўллаймиз. Сиз ҳам уларга хурмат кўрсатинг, уларга ортиқча тазйиқлар қилинишига йўл қўйманг. Сизга бундан бўлак талабим йўқ. Зеро дунё савдо аҳли ила обод бўлажак».**

Қаранг, қандай оддий ва аниқ фикр: **дунё савдо аҳли ила обод бўлажак!** Демак, Амир Темур ташқи сиёсатида халқаро иқтисодий савдо алоқаларини кенг миқёсда йўлга қўйиш, ундан барчани, авваламбор, ўзининг халқини баҳраманд этиш бош ғоя бўлиб хизмат қилган.

XXI аср бўсағасида сиз билан биз халқаро миқёсда адолатли тарзда яратмоқчи бўлган интеграция макони ҳақида Амир Темур бундан 600 йил бурун бош қотирган ва шу йўлда сиёсат юритган. У барпо этган ягона иқтисодий-савдо майдонида бугунги кун учун ҳам, бугунги замон учун ҳам ибратли бўлган вазият мавжуд эди. Амир Темурнинг мана бу сўзлари бунга далилдир:

«...Салтанатимнинг у четидан бу четигача бирор болакай бошида бир лаган тилла кўтариб ўтадиган бўлса, бир донасига ҳам зарар етмайдиган тартиб-интизом ўрнатдим».

Учинчидан, Соҳибқироннинг бунёдкорлик соҳасидаги тарихий хизматлари ундан ҳам беқиёс. Амир Темур ва унинг авлодлари саъй-ҳаракатлари билан қурилган мадрасалар, масжидлар, хонақоҳлар, саройлар, бозорлар, кўприклар, йўллар, бекатлар, ҳаммомлар, каналлар, қалъалар ва бошқа қатор иморату иншоотларнинг сон-саноғи йўқ.

Амир Темурнинг бевосита раҳнамолигида бунёд этилган Бибихоним жоме масжиди, Гўри Амир ва Аҳмад Яссавий, Занги ота мақбаралари, Оқсарой ва Шоҳи Зиндадаги меъморий мўъжизалар, Боғи Чинор, Боғи Дилкушо, Боғи Беҳишт, Боғи Баланд сингари ўнлаб гўзал сарой-боғлар ва бошқа иншоотлар шулар жумласига киради. Бу обидалар, ҳеч шубҳасиз, инсон тафаккури ва ақлзаковатининг буюк тимсолларидир.

Тарихчи Шарофиддин Али Яздийнинг гувоҳлик беришича, Амир Темур **«Ободончиликка ярайдиган бирон қарич ернинг ҳам зое бўлишини раво кўрмасди».**

Тарих бу кўҳна дунёда ўтган кўп жаҳонгирларни билади. Уларнинг аксарияти фақат бузган. Амир Темурнинг улардан фарқи шундаки, у умр бўйи бунёдкорлик билан машғул бўлган.

Унинг **«Қай бир жойдан бир ғишт олсам, ўрнига ўн ғишт қўйдирдим, бир дарахт кестирсам, ўрнига ўнта кўчат эктирдим»,** деган сўзлари фикримизнинг далилидир.

Энг муҳими, мазкур қурилишлар географияси биргина Туркистон билан чегараланиб қолган эмас. Бунинг исботи сифатида Соҳибқирон қадами етган жойлардаги тарихий обидаларни эслашнинг ўзи кифоя.

Амир Темур Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг шаҳар ва қишлоқларида, ҳатто Жанубий Озарбойжон ва Кобул каби узоқ ерларда ҳам ободонлик ишларини олиб борган, суғориш иншоотларини қурдирган.

Шу маънода мен буюк бобомиздан қолган ҳар бир тарихий ёдгорликни, у қаерда жойлашган бўлмасин, халқларни бирбирига боғлаб турувчи беқиёс восита, деб биламан.

Бир ўйлаб кўрайлик. Аҳмад Яссавий мақбараси қурилганига олти аср бўлди. Шу вақт ичида бу маскан дунёнинг турли бурчакларидан келган минглаб-миллионлаб зиёратчиларни маънавий жиҳатдан бирлаштириб, эзгуликка даъват этиб келмоқда.

«Агар бизнинг қудратимизни билмоқчи бўлсангиз, қурган биноларимизга боқинг», деганда Амир Темур энг аввало ўз халқига, келажак авлодларига мурожаат қилган, десак янглишмаган бўламиз.

Тўртинчидан, ҳар қандай жамият тараққиётини илм-маърифатсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Буни теран англаган Соҳибқирон ҳокимиятга келиши билан чиқарган дастлабки фармонларини мадрасалар барпо этиш, илм толибларига нафақалар тайинлаш билан бошлаган. Қайси бир шаҳарга ташриф буюрмасин Амир Темур энг аввало ўша ерлик олиму фозиллар билан учрашар, улар билан суҳбат қурар, турли мавзуларда баҳслашар эди.

Тарих, тиббиёт, математика, астрономия, меъморчилик соҳаларида юксак салоҳиятга эга Амир Темур учун бу табиий ҳол эди. Мазкур фазилат Соҳибқироннинг авлодлари — айниқса, Мирзо Улуғбекка ўтгани шубҳасиз. Мирзо Улуғбекнинг давлат арбоби бўлиш билан бир қаторда буюк олим даражасига етишишида бобоси Амир Темурнинг таъсири бениҳоя катта бўлган. У Улуғбекдаги ноёб истеъдодни бошданоқ пайқаб, сафарларда ҳам ёнида олиб юриб, дунёнинг машҳур олимлари тарбиясидан баҳраманд этган.

Бешинчидан, Амир Темур ўз миллати ва эл-юртининг тақдири ҳақида кўп ўйлаган. У қўйган ҳар бир қадам нафақат ўша давр учун, балки келажак сари хизмат қилган.

Тарихда ҳукмдорлар кўп ўтган. Уларнинг аксарияти ўз маишати ва айшу ишратидан нарига ўтмаганлиги маълум. Уларни бугун биров эсламайди ҳам. Бироқ миллат ғамида ёнган, унинг истиқболи ва истиқлоли йўлида фидокорлик кўрсатиб яшаган арбобни келажак ва тарих ҳеч қачон унутмайди. Амир Темур ана шундай тарихий ва унутилмас шахсдир.

Унинг инсоний фазилатларига бир ёрқин мисол: 1404 йилда Бибихоним жоме масжиди қурилишининг ниҳоясига етказаётганида унинг умридан бир йил қолган эди, холос.

Кексайиб қолган бир одамга, ўзи аввал барпо этган ўнлаб ва юзлаб иншоотлар ёнига яна бир бинони қўшиш шарт эдими? Унинг шону шуҳрати шусиз ҳам етарли эди-ку?

Бу мисол ҳам Амир Темурнинг доимо узоқ келажакни, авлодлари иқболини ўйлаб яшаганидан, умр бўйи улуғвор режалар ва ғоялар уни асло тарк этмаганидан далолат беради.

Олтинчидан, Амир Темур бир ҳақиқатни яхши англаган — жамият эътиқодсиз яшай олмайди. Одамларга дин керак, иймон керак, ишонч керак. У ўз «Тузуклари»да шундай дейди: **«ҳар ерда ва ҳар вақт Ислом динини қувватладим».**

Амир Темурнинг Қуръони Каримни ёд билгани, диний баҳсларда йирик уламолар билан баробар сўз юритгани унинг маънавияти, имону диёнати қанчалар пок ва мукаммал эканини билдиради.

Маълумки, диний таълимот ва тарбиятнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва хизмати ниҳоятда катта.

Амир Темурнинг Ислом динига бўлган муносабатидаги энг муҳим қирра, бу — мусулмончилик ақидаларининг жамият осойишталиги, равнақи, ижтимоий адолат, имон бутунлиги, маънавий поклик учун хизмат қилдиришга сафарбар этилишидир.

Унинг эътиқодига кўра, **давлат давлатлигини, дин эса динлигини қилиши керак.** Бу ғоя бугунги замонда ҳам ўз аҳамиятини заррача йўқотган эмас. Худди шу туфайли ҳам Амир Темур даврида Ислом дини равнақ топди, юксалди.

Шу билан бирга халқ дунёқараши, тафаккур тарзи ҳам анча ривожланди. Аҳоли ва давлат ўртасидаги муносабатлар ўзига хос тарзда мутаносиб тус олди.

Буюк жаҳонгир Амир Темур соҳибқирон ўлими олдидан авлодларига шундай васият қилган:

«... Мен шундан таскин топаманким, подшоҳлик давримда кучлиларнинг ожизларга озор беришларига йўл қўймадим. Халқлар осойишталиги борасида қарам фуқаролардан хабардор бўлиб турингглар, қатъиятли ва мардонавор бўлинглар. Улкан давлатни мендай узоқ, йиллар давомида бошқариш учун қўлларингдаги шамшири шараф ва номус билан маҳкам тутинглар...

Агар, сизлар менинг васиятларимга амал қилсаларингиз ва бошқа ишларингизда адолатга, шафқатга кўра иш тутсаларингиз, тинчлик-осудалик Турон заминида узоқ вақт сақланади.

Агарда ўзаро низоларга йўл қўйсаларингиз, душманлар тўполон ва тартибсизликларни бошлайдиларки, уларни жиловлашнинг иложи қолмайди. **Сизлар бир жон, бир тан бўлсаларингиз, ҳеч ким менинг сўнгги васиятларимни бажаришларингизга монелик қила олмайди».**

Бу доно васиятлар асрлар оша бизнинг давримизга қадар етиб келди. Ундан худди ҳозирги даврнинг нафаси сезилиб тургандай. Улуғ бобокалонимиз бизни адолатга, содиқликка, бирликка чорламоқда. Ўзаро низо, адоватлардан холи бўлинглар, деб, инсоф, шафқат ва ҳалолликка ундамоқда.

Муҳтарам конференция қатнашчилари!

Сизларда шундай бир савол туғилиши мумкин: нима учун бугун Ўзбекистонда Амир Темур сиймосига бундай юксак эҳтиром, иззат-икром кўрсатилмоқда?

Албатта, бунинг сабаблари бор.

Агарки дарахтнинг илдизи қанчалар чуқур бўлса, у шунчалик баланд, бақувват, осмонўпар бўлади. Ёки замонавий тил билан айтадиган бўлсак, бино қанчалик баланд бўлса, унинг пойдеворини ҳам шунчалик чуқур ва мустаҳкам қуриш керак.

Биз бугун мустақил, адолатли, ҳуқуқий давлат қурмоқдамиз. Ўйлайманки, бизнинг бу борадаги принципларимиз — беш тамойилимиз ҳақида бу залда ўтирган кўпчиликнинг хабари бор. Бинобарин, уларни такрорлаб ўтиришнинг зарурати йўқ. Лекин мен иккита нуқтага сизларнинг эътиборингизни қаратмоқчиман:

— **биринчидан,** биз ўз миллатимиз ўз халқимиз хусусиятларига, ўз миллий қадриятларимизга асосланиб;

— **иккинчидан,** тараққий топган давлатларнинг тажрибаларига ва умумбашарий ақидаларга таяниб мустақил давлатимизни қурмоқдамиз ва шу асосда жаҳон ҳамжамиятидан ўз муносиб ўрнимизни эгаллаб олмоқчимиз.

Хулоса шуки, бизнинг тарихимизда Амир Темурдай улуғ сиймо бор экан, унинг қолдирган мероси, панду ўгитлари бугунги ҳаётимизга ҳамоҳанг экан, олдимизда турган бугунги муаммоларни ечишда бизга қўл келаётган экан, бизнинг бу меросни ўрганмасдан, таърифламасдан, тарғибот қилмасдан ҳаққимиз йўқ.

Шунинг учун ҳам мана шу минбардан туриб, бутун Ўзбекистон халқига, қолаверса, бутун жаҳон аҳлига қарата: «Амир Темур бизнинг фахримиз, ифтихоримиз, ғуруримиз!», деб айтсам, ўйлайманки, хато қилмаган бўламан.

Хонимлар ва жаноблар!

Замонамизнинг кўпгина долзарб муаммолари инсониятнинг ўтмишдаги тажрибасини чуқурроқ тушунишни тақозо этади. Худди шу нарсани бугунги конференциямизнинг муҳим вазифа ва мақсадларидан бири деб билмоқ керак.

Ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки, ўзбек халқининг кўп асрли тарихи ҳам ана шундай тажриба манбаидир. Ишончим комилки, сизнинг маъруза ва ахборотларингиз, конференция давомида бўлажак баҳс ва мунозаралар Амир Темур ва Темурийлар даври сабоқларини чуқурроқ англаб етишга, бугунги кун олдимизга қўяётган долзарб саволларга жавоб излашга салмоқли ҳисса қўшади.

Конференция ишига муваффақият, барчангизга саломатлик ва бахту саодат тилайман.

Эътиборингиз учун ташаккур.

АФҒОНИСТОНДАГИ ВОҚЕАЛАРГА ДОИР

СИ-ЭН-ЭН, 25 октябрь. Европа парламенти Афғонистонда толиблар томонидан инсон ҳуқуқларини поймол қилинишини тўхтатишга чақирувчи резолюция қабул қилди. Халқаро шарҳловчиларнинг фикрича, Кобул шимолида ҳарбий ҳаракатларни олиб бораётган ҳукумат қўшинлари ва толиблар ўртасидаги можарони тартибга келтириш ниҳоятда қийин муаммога айланганини таъкидламоқдалар. Афғонистон пойтахти учун бўлаётган шиддатли жанглар ҳамон давом этмоқда. Бунинг натижасида тинч аҳоли, шу жумладан болалар ҳам ҳалок бўлмоқда.

Вашингтон (Франс-Пресс). Афғон толиблари раҳбарияти Кобулда АҚШ вакилини қабул қилишдан бош тортдилар. Уларнинг фикрича, бу ташриф «америкапарастча сиёсатнинг фактори» бўлиши мумкин эмиш, деб хабар беради расмий манба.

ШАРТНОМА БУЗИЛЯПТИ

Литва парламенти қўшни Латвия давлати ҳамда хорижий нефтчи компаниялар «АМОКО» ва «ОПАБ»нинг ўзаро тузган шартномаларини ноқонуний деб топмоқда.

Парламент ноқонуний шартномага қарши мурожаат қабул қилди. Чунки томонлар шартномага кўра Болтиқбўйидаги нефть заҳиралари жойлашган ҳудудларда маҳсулотни қайта ишлаш ҳуқуқи-лицензияга эга бўлишганди.

Мурожаатда айтилишича, Латвия Литва билан ўзаро ҳудудий яхлитлик шартномасини қўпол равишда бузмоқда, шунингдек бу шартнома БМТнинг 1982 йилги денгиз ҳақидаги қонун ва 1975 йилги Хельсинки конференциясидаги актга ҳам зиддир.

Литва давлатининг денгиз



чегарасидаги дахлсизлигига раҳна солган бу шартнома ҳақли эътирозларга сабаб бўлмоқда.

Латвия парламенти эса бу шартномани ратификация қилди.

ТЕРРОРЧИЛАР ҲИБСГА ОЛИНДИ

Серб миллатчи радикал партиясининг (СРП) беш аъзоси қамоққа олинди. «Танюг» агентлигининг хабар қилишича, улар ноқонуний қурол-яроғ асрашда айбланадилар.

Беш нафар жиноятчиларнинг 1994 йилда Сомбор-Беджан йўлидаги кўприк портлаши террорчилик ҳаракатида ҳам иштироки бор, деб топилянти. Террорчилар Войводинда қамоққа олинди. Беш террорчидан катта миқдордаги қурол-яроғ, 55 минутда жанговар ҳолатга келувчи қўлбола ракета-снаряд мосламаси топилди.

Жиноятчилар 1993 йилнинг ўрталаригача СРП билан сиёсий иттифоқчи бўлган социалистлардан.

Серб Президенти Слободан Милошевич СРП етакчиларидан ҳисобланган, ҳозирда ҳарбий жиноятчи — Вожилсав Сеселжни ўзининг «энг яқин позиция ҳаммаслаги» эканини маълум қилди.

БОЛГАРИЯДА ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИ

«Новинар» газетаси Президент сайловлари олдидан оппозицион кучлар бирлашмасидан номзоди қўйилган Петер Стоянов ҳақидаги жамоатчилик фикрини ўрганиш учун уч турда сўровлар ўтказмоқда.

Болгарияда чиқадиган нашрлардан бирининг ёзишича, агар иккинчи турда Болгар социалистик партиясидан президентликка номзоди кўрсатилган маданият вазири Иван Морозовга қарши Стоянов устунликка эришолса, албатта, ғалаба қозонади.

Сўровлар натижасига қараб шу йил 27 октябрда салкам 50 фоиз сайловчилар биринчи турда иштирок этадилар.

Ўз навбатида, «Континент» газетасининг ёзишича эса, собиқ болгар руҳонийси Симеон Пнинг испан газетасига берган интервьюсида «Болгар социалистик партиясидан сайланган номзод Болгария учун унчалар ишончли эмас», дея таъкидланади.

Эртага — Автомобиль транспорти ходимлари куни

ҲИССАДОРЛАРНИНГ ЭРТАНГИ ОРЗУСИ

Иқтисодий ислоҳотлар даврида хўжалик юритишнинг янгича усули — акционерлик жамиятлари ишлаб чиқарувчиларнинг мулкка муносабатини тубдан ўзгартирди. Шу боис кўплаб корхона ва ташкилотларнинг меҳнат жамоалари бозор талабларини тушунган ҳолда ҳиссадорлик йўлини танламоқдалар.

«Ўзсаноатхўжаликқурилиш» давлат корпорациясига қарашли «АВЭК — МОТОРС» автотранспорт корхонаси ишчи-хизматчилари янгича иш йўналишини танлаб адашмадилар. Бу ерда ҳозир 340 нафар киши меҳнат қилади. Акция эгаси бўлиш нақадар фойдали эканлигини улар аллақачоноқ ҳис этишган. Чунки корхонанинг акционерлик жамиятига айлантирилганлигига ҳам бир йилдан ошиб қолди.

Бу ерда номинал қиймати 100 сўм бўлган акциялар ҳар бир ҳиссадорга тарқатилган. Йил охирида акционерлар ўз улушларига яраша дивиденд билан рағбатлантирилмоқда. Корхонада ўртача ойлик маош 4200 сўмни ташкил этяпти. Бундан ташқари жамоа аҳлини ижтимоий муҳофазалаш чора-тадбирлари ҳам кўрилмоқда. Жумладан, Тошкент вилоятида жойлашган «Автомобилист» дам олиш масканида кўплаб ишчи-хизматчилар таътил даврида ҳордиқ чиқаришяпти. Айни пайтда маъмурият ҳар бир ҳиссадорни қиш фасли арафасида картошка, пиёз ва бошқа рўзғорга керак маҳсулотлар билан таъминлаб турибди.

— Хайрия юмушлари ҳам эътиборимиздан четда қолгани йўқ, — дейди ҳиссадорлик жамияти раҳбари Рустам Ҳожиев. — Масалан, Чилонзор туманидаги 22-сонли болалар уйига моддий ёрдам кўрсатиб турибмиз. Мирзо Улуғбек тумани маҳаллаларидаги кам таъминланган, қаровчисини йўқотган оилаларга ҳам кўмак берямиз. Ёшлар бизнинг келажагимиз деган ниятда тумандаги 222-ўрта мактабни оталиққа олганмиз.

Ҳиссадорлик жамиятининг бундай хайрли саъй-ҳаракатлари кўнчиликка маъқул келмоқда. Айни пайтда жамоада меҳнат кўтаринкилиги ҳукмрон. «АВЭК — МОТОРС»чилар мамлакатимиздаги йирик иншоотларни барпо этишга муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар. Жумладан, пойтахтдаги «Чорсу» спорт комплексини, Республика давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси маъмурий биносини, Янгийўл спирт заводини ҳамда Тўйтепада қад ростлаётган Ўзбекистон-Жанубий Корея тўқимачилик қўшма корхонаси биноларини бунёд этишда транспортчилар бекамкўст хизмат қилишмоқда. Яқинда ҳиссадорлик жамияти 10 та «СУПЕРМАЗ» русумли янги автомобилларни сотиб олди. Энди транспортчиларнинг юк ташиш имкониятлари янада ортадиган бўлди. Хуллас, мазкур акционерлик жамияти бозор иқтисодиёти даврида ўзининг аниқ йўналишига эга бўлиб, дадил одимламоқда.

Соҳибжон САЛИМОВ.
«Ўзбекистон овози» мухбири.

«Ҳосил-96»

МАҲАЛЛАДА ГАП КЎП

ёки қўрғонтепаликларнинг ўзига хос ташаббуси ҳақида

Қўрғонтепа, Ҳужаобод, Жалолқудуқ-Андижон вилоятининг шимолий ҳудудлари. Иқлими оғирроқ, кузда, баҳорда ҳаво анча паст келади. Шунинг учун ҳам кексароқ одамлар бу туманларнинг йиллик пахта тайёрлаш рўйхатида сўнгги қаторлардан урин олишини табиий деб тушунишарди. Икки — уч йилдирки, аҳвол бошқача... Айниқса, бу йил!

Яқинда вилоятда ижодий сафарда бўлдик. Аксига олиб биз борган кунлари тилини топиш ҳеч гап эмас экан-да, деган фикр хаёлимдан ўтди. Одамлар автобусда, дала шийпонларида гурунглашиб — тамадди қилиб, ҳавонинг очилишини кутишяпти.

Хуллас, ёмғирдан фойдаланиб, Қўрғонтепа тумани ҳокими,Узбекистон Олий Мажлиси депутати Равшанбек ака Сиддиқовни саволга тутдик.

— **Бу қадар уюшқоқликнинг сирини билгимиз келяпти...**

— Бу ерда ҳеч қанақа сир йўқ. Ҳамма гап одамларимизнинг ҳимматида, мардлигида, меҳнаткашлигида. Қўрғонтепада 116 000 аҳоли яшайди. 8640 гектар ерга пахта экилади. 2,5 минг гектардаги пахтамиз кечки. Бу йил «қўрғонтепаликлар — пойгакда» деган таънадан қутилиш учун астойдил ҳаракат қиляпмиз. Ҳисоблаб қурсак, ҳар йили 15000 тонна пахта териш учун 10000 ҳашарчи келиб 30 миллион сўм пулимизни олиб чиқиб кетишаркан. Бир уй пул дегани-да — бу! Шунча пул ўзимизнинг чўнтагимизга тушса, қандай бўлади, деб халқ билан маслаҳат қилдик. Ишга яроқли 40000 нафар одамимиз бор экан. Қунига 50 килодан пахта терса, ҳар куни 10 фоиздан бериб йиллик режани 10 кунда бажарворишимиз ҳеч гап эмас экану деган яхши ният билан иш бошладик. Йиғим-теримга тушишдан олдинроқ маҳалла оқсоқолларини тўпладим. «Сизлар катта кучсизлар. Маҳалланинг тўю маъракаси сиз билан ўтади. Агар пахтага чиқмасанг, тўй-маъракангни ўзинг ўтказаверасан, десаларингиз, халқ сизларга эргашадими?» деб сўрасам, улар «Теримга ўзимиз бошқош бўламиз» дейишди. Кейин ташкилот ва корхона раҳбарларини йиғдим, уларга ҳам, «Энди ташкилотма-ташкилот — худди ҳордиққа чиққандай пахтага бормайсиз. Хизмат машиналарини фуқаролар йиғини раисларига бериб ҳамма ўз маҳалласида қуни-қушниси билан пахта теради» деган фикрни айтдим.

Туманимизда 97 та маҳалла бор. Ҳаммасига ташкилотлардан олиб биттадан автобус бириктириб қўйдик. Пахтамиз 40 фоиз очилганда теримга тушдик. Биринчи куни азонда соат 5 да чиқсам даладаги тумонат одамни кўриб, ўзим ҳам ҳайрон қолдим. Ҳеч бунчалик бўлади деб кутмагандим-да! Маълумки ҳамма ҳам маҳалладан ажралиб қолишдан уялади. Қуни-қушнисидан уялганидан ҳам одамлар ёппасига пахтага чиқишди, кампир-чолларни айтмайсизми! Сиз бориб энди дам олинг дейишса хафа бўлишаркан ўрис, татар, корейс, қирғиз, украин ҳаммаси теришяпти. Буни кўриб тадбиркорларимизнинг ҳам ғайрати ошди, басма-басига тушликда маҳаллаларимизни бепул овқатлантиришни бўйиниларига олишди. Савайлик тадбиркор опамиз Фотимахон Юсупова 600 теримчини тушлик билан таъминлашдан ташқари илғор теримчилар учун ўз ҳисобидан 1,2,3-ўринларни белгилаб мукофотлар ҳам топширди. Мавсум давомида кунига 6 фоизгача пахта бердик. Ўқувчиларимизни деярли теримга жалб қилмадик. Бир ҳафтага ёрдам беришди, холос, кейин яна мактабларига қайтариб юбордик. Тўғрисини айтсам, юртбошимиз бекорга куюнмайдилар — маҳаллада гап кўп экан! Ишни ташкил қилишга ҳам қийналмадик. Кексалар бомдод намозидан кейиноқ кўчага чиқиб олишади: «Ошга!» дегандай «Автобус кел-ди!!» дейишса, етти ёшдан етмиш ёшгача ҳамма қаторлашиб келаверади денг! Одамлар пахтага — худди тўйга — тантанага кетишаётгандай келишаётганини кўриб жуда хурсанд бўлиб юрибман. Ҳозир ҳам далаларимизда ҳосил кўп.

— **Равшанбек ака, қўрғонтепаликларнинг бу тажрибасини оммалаштириб юборсак, кейинги йили ўзларингиз «эл қатори» бўлиб қолсаларингиз мендан хафа бўлиб юрмайсизми?**

— Хафа бўлмайман. Бемалол ёзаверинг. Кейинги йил учун яна бошқа усулларни ўйлаб қўйганман. лекин уни сизга айтмайман — ҳозирча бу сир!

Суҳбатдош Замира ЭГАМБЕРДИЕВА, «Ўзбекистон овози» махсус мухбири.

СУРАТДА: Муяссархон Саидаҳмедова ва Нигора Ҳасанова.

Ҳурсандбек АРАББОЕВ олган сурат.

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТАШВИШЛАРИ

Олий ўқув юртлари ҳам жамиятимизнинг бир бўлаги. Жамиятнинг муаммолари уларнинг ҳам ташвишларидир. Уларни ҳал қилиш учун барча кучларни жамлаш, йўллар излаш, қўникиш жуда мушкул бўлаётган бозор иқтисоди қонун-қоидаларини ўрганиш лозим. Ватанпарварлик тўғрисидаги баланд-парвоз гаплар, эҳтиросга тўлиб-тошган чақириқлар ва шиорлар даври аллақачон ўтган. Эндиликда, кичкина бўлса-да, аниқ ишлар замони келди. Олий ўқув юртлари, улардаги муаммолар хусусида Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати, «Халқ бирлиги» ҳаракати раиси, ТошДУ ректори вазифасини бажарувчи, академик Тўрабек Нўъмонович Долимов билан суҳбатлашдик.

— Дунёда олий ўқув юртларининг турлари кўп: техник, тармоқ олий ўқув юртлари, университетлар... Бироқ улар орасида классик (мумтоз) олий ўқув юртлари алоҳида ажралиб туради. Уларнинг ўзига хослиги нимада?

— Ягона бир мезондаги классик Олий ўқув юртлари йўқ. Лекин бош ҳарфлар билан ёзиладиган буюк классик университетлар мавжуд. Чунки, улар (масалан, Гарвард, Кембриж, Оксфорд, Геттинген, МДУ) аниқ фанларнинг юксак ривожланган, илмий мактаблари билан алоҳида ажралиб туради. Бу даргоҳларда ўқиш жараёни одатдагидай «худди мендай бажар» тарзида эмас, аксинча, «Ўзинг бажар, илм эгалла, мен эса сенга ёрдам бераман!» тамойили асосида олиб борилади. Бу жуда муҳим мезон. Бундай университетларда илм ва таълим узвий бирлашиб кетганидан тадқиқотлар олиб боришга кенг аҳамият берилгани ҳолда талабалар фаннинг энг сўнгги янгиликлари билан доимий таништирилиб борилади. Техника ва табиий фанлар юксак даражада инсонпарварлаштирилгандек, ижтимоий фанлар ҳам, замонавий техника билан қуроллантирилгани киши ҳавасини келтиради.

— Биздаги Олий ўқув юртларида ҳам шу жиҳатлар мавжудми?

— Барчасида эмас. Республикамизда ҳар хил Олий ўқув юртлари мавжуд. Бу уларнинг ўзига хос бўлишига асос яратади. Ўқув даргоҳларининг «ёши», йўналиши ҳам турлича. Қолаверса, классик университетлар эришган жиҳатлар ҳам бирданига пайдо бўлмаган. Бу узоқ йиллар ичида вужудга келган натижадир. ТошДУ, ТошДТУ, СамДУ дунё классик университетларидаги кўпгина сифатларга эга. Хусусан, бизнинг Тошкент Давлат университети ҳақида гап борар экан, таъкидлаш лозимки, унда жуда катта илмий база мавжуд. Илмий-тадқиқот бўлимлари, илмий институтлар лабораториялар, илмий гуруҳлар фаолият кўрсатмоқда. Математика, кимё, биология, тупроқшунослик, геология ва бошқа фан соҳалари бўйича илмий мактаблар таркиб топган.

Бироқ университетимизда кейинги пайтда илмий кадрлар тайёрлашдан кўра мактаб, техникум сингари ўқув даргоҳлари учун мутахассис чиқариш томон оғиб кетилгани, илмий-тадқиқот ишлари олиб борувчи етакчи профессор-доцентлар сони камайиб бораётганлиги ҳам сир эмас. Бу бизда хавотир уйғотади, албатта.

— Олий ўқув юртларидаги муаммолар ҳақида гап бошладингиз. Улардан энг муҳимлари ҳақида батафсилроқ тўхталсангиз...

— Олий ўқув юртларида, жумладан, бизнинг университетда ҳамиша ҳам муаммо етарли бўлган. Бу — табиий ҳол. Чунки, ўсишда, муттасил ҳаракатда бўлган тизим табиати бир муаммо ҳал бўлиши билан бошқа бир масала туғилишини тақозо этади. Масалан, дарсликлар таъминоти масаласи ҳал бўлиши биланоқ уларни алмаштиришга тўғри келиб қолади. Компьютерлаштиришда ҳам худди шундай. Янги авлод машиналар чиқиб қолади — тамом, аввалгиси ўрнига ўшани келтириш лозим. Шунга ўхшаш муаммолар муттасил чиқиб туради. Аммо ўқув юрти фақат ўз кучига таяниб, ҳал қилолмайдиган муаммолар бўладики, булар хусусида алоҳида тўхталиш зарур.

Биринчидан, иситиш, электр энергияси, иморатларни сақлаш ва шунга ўхшаш хизматлар нархи жуда тез ўсиб кетмоқда. Уларни ўз вақтида тўлашга ўқув юртларининг қурби етмайди.

Иккинчидан, дарсликлар танқис, табиий фанлар учун қўлланмалар, дарсликлар бироз етарли бўлса-да, бироқ, уларнинг ҳам аксарияти эскириб боряпти. Янги ўқув қўлланмаларини ёзиш, тайёрлаш ва чоп этиш учун эса маблағ йўқ. Айниқса, ижтимоий фанларда аҳвол анча ачинарли. Тўғрисини айтганда, фалсафа, тарих, филология (айниқса, чет тилларидан) ҳозирги замон талабига жавоб берадиган дарсликлар кам.

Учинчидан, илмий тажриба, ўқитув воситалари, лаборатория ва кафедраларимиздаги асбоб-ускуналар эскириб, яроқсиз бўлиб боряпти. Албатта, бу катта муаммо ва у аста-секин ҳал бўлади. Масалан, биз Президентимиз томонидан ТошДУга ажратилган 150 минг долларга икки янги компьютер зали ташкил қилдик.

Тўртинчидан, олий ўқув юртларининг, хусусан университетнинг иморатлари ва айниқса, ётоқхоналари эскирган, таъмирга муҳтож. Қурилиш материалларининг тобора қимматлашаётганини инобатга олсак — бу жуда муҳим масала эканини айтмасак ҳам бўлади.

Олий ўқув юртларидаги яна бир жиддий муаммо, ўқитиш методикасининг эскирганлигидир. Масалан, бир неча йил давомида чет тили ўқитилади. Лекин, талаба ҳеч бир тил ўқимагандай бўлиб битириб кетади. Шунинг учун методикани тубдан янгилаш лозим. Талабаларнинг илмга қизиқиши, айниқса, аниқ фанларни ўрганишга интилиши сустлиги кескин сезилиб қолди. Бунинг оқибатини ўйлаш керак.

Олий ўқув юртларини бошқариш ҳаддан ташқари марказлаштирилди. Албатта, олий таълим сиёсатини ўтказиш учун бу — зарур. Бироқ контингент (талабалар миқдори), қабул қоидаларини ишлаб чиқишда олий ўқув юртларининг фикрини ҳам ҳисобга олиш керак. Умуман, олий ўқув юртлари ислоҳоти аллақачон етилган муаммо, «Кўп босқичли таълим», «бакалавр», «магистр», «рейтинг» ва ҳоказо замонавий ибораларни қўлланиш билангина ислоҳотни амалга ошириб бўлмайди. Олий мактабнинг истиқболли йўналишлари қандай, улар мамлакат тараққиётига хизмат қиладими, ислоҳотлар натижаси қандай бўлади? Бугун худди мана шу саволларга жавоб излаш, нимани ва қай тарзда ислоҳ қилишни билиш керак. Бунинг учун эса аввало олий мактабнинг кейинги ривожига имкон берувчи қонуний асосга эга бўлиш зарур. Олий мактаб ислоҳоти фақат биздагина эмас, Европа, Осиё, Америка олий ўқув юртларида ҳам жиддий муаммо бўлиб турибди. Олий мактабнинг илгариги тизими буткул яроқсиз, дея кескин хулоса чиқариш керак эмас. Албатта, у тизим беҳад сиёсатлаштирилган, ҳукмрон мафкурага бўйсундирилган, камчиликлари кўп эди. Бироқ, ҳаёт шуни кўрсатмоқдаки, у катта билим ҳам берган эди, айниқса, аниқ фанлар соҳасида. Ахир битирувчиларимиз АҚШда, Европа мамлакатларида бемалол ишлашмоқда. Шундай экан, янгиси қандай бўлишини ҳал қилмасдан туриб, ўзимизнинг «эски уйимиз»ни бузишимиз шартми?

Мавжуд дастурларнинг талабаларни толиқтириб қўйиши ҳам сир эмас. Дастурлар ортиқча маълумотлар билан тўлиб-тошган. Бунинг устига улар бир хил, яъни «ўртача» талабага мўлжалланган. Ҳозирги шароитда эса дастурлар оддий, яъни умумий қобилиятлилар ҳамда қолоқ талабалар назарда тутилган тарзда тузилиши керак. Шунда олий ўқув юртларида юксак малакали, ҳар тарафлама ривожланган, ватанпарвар мутахассислар тайёрлаш мумкин бўлади. Бу борада имкониятларни кенгайтириш учун университетлар билан Ўзбекистон Фанлар академияси институтлари ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатиш зарур. Мамлакатимиз Президенти ҳам «мактаб-олий ўқув юрти-илмий тадқиқот институти» (ўқув-илмий марказлар) ғоясини тавсия қилмоқда. Бу тизимда иш олиб бориш илмий-тадқиқот институтлари билан олий ўқув юртлари бирлашишига олиб келиши ва унинг истиқболли эканлиги шубҳасиздир.

Олий ўқув юртларида профессор-ўқитувчиларнинг малакасини ошириш ҳам жиддий муаммо. Унинг ҳозирги шакли қаноатланарли эмас.

Албатта ўқишга қизиқишнинг сусайиб кетаётгани ҳозир кўпгина мамлакатлар учун ҳам жиддий муаммога айланиб бораётир. Бунинг сабаблари кўп. Аввало, бозор муносабатларининг шафқатсиз қонуниятлари ҳар томонлама баркамол, хорижий тилларни биладиган, компьютерда ишлай оладиган ёшларни саралашда. Шунинг учун ҳам аксарият талабаларимизда ўзининг эртасига ишонч мустаҳкам эмас. Улар фанларни ўрганмасдан синовлардан ўтишнинг «айланма» йўлларига ружу қўймоқдалар. Эндиликда аниқ фанлар шунчалик илгарилаб кетдики, уларни ўзлаштиришга ҳар кимнинг ҳам қобилияти етавермайди.

— Хорижий мамлакатларда олий ўқув юртларига қабул масаласи қандай?

— Уларда бу масала биздагидай оғриқли муаммо эмас. Бизда олий ўқув юрти мутасаддилари 3-4 ой ичида қабул ташвиши билан банд бўлади. Ривожланган давлатларда ҳам олий маълумотли мутахассислар ниҳоятда қадрланади. Лекин Германия сингари давлатлардаги ўқув юртлари раҳбарлари университетга қабул қилиш масаласида бирор-бир қийинчиликка дуч келишмайди. Улар ҳар бир фуқаро олий маълумотли бўлиш учун ҳужжат топширса кифоя. Ҳужжат, яъни аттестатидаги баҳолари университет талабларига мувофиқ келса, ўқишга қабул қилиниб, бемалол ўқийверади. Уларда мактаб таълими, яъни пойдевор мустаҳкам. Ўқувчининг билими учун муаллим масъул. Мактаб муаллимининг маоши ҳам шунга яраша, яъни олий ўқув юрти профессорининг маоши билан тенг. Хитойда эса таълим олиш пуллик. Банк талабага қарз беради. У яхши ўқиса, қарзининг саксон фоизидан кечади. Ўқий олмаса, талаба олган қарзини қайтариб тўлайди...

Ишимизда жиддий ўзгариш қилишимиз учун ўзимиз ҳамда университет учун ҳам мунтазам маблағ ишлаб топишни ўрганишимиз зарур.

— Бу муаммони ҳал қилиш осонми?

— Йўқ. Чунки биз бозор талабларига мос товарларни ишлаб чиқаришни ўзлаштира олганимиз йўқ. Илмий-тадқиқот мавзуларимиз долзарб эмас. Уларнинг кўпи такрорий. Биз ўз товарларимизни, яъни илмимизни сотишни билмаймиз. Фундаментал йўналишли тадқиқотлар самараси дарҳол билинмайди, яъни товарга айланмайди. Аммо фундаментал тадқиқотларсиз табиат ва жамият тараққиётини таъмин этадиган устувор йўналишларга эришиш асло мумкин эмас. Бозори чақ-қон ғоялару товарлар яралишига аслида фундаментал тадқиқотлар замин ҳозирлайди-да.

Олий ўқув юртларининг энг биринчи вазифаси — юксак малакали, Ватанини жон-дилидан севадиган, ҳар томонлама баркамол мутахассислар тайёрлашдир.

Абдулла УЛУҒОВ суҳбатлашди.

Жаҳон киноси янгиликлари

БОЛАЛАРНИНГ СЕВИМЛИ «ОҚ ТУН»И

Болалар ва ўсмирларнинг Халқаро 1996 йилги Кан кинофестивали якунланганига бироз вақт бўлди. Унда таниқли режиссёр Арнон Цадокнинг «Оқ тун» картинаси жюри хайъати, томошабинлар томонидан энг яхши фильм деб топилганди.

Фестиваль қатнашчилари фильмни шу пайтгача ўсмирлар ва болалар ҳаёти акс этган картиналардан тубдан фарқланишини алоҳида таъкидлашганди.

«Оқ тун» бир йўла 1996 йилги бир неча Халқаро кинофестивалларда совриндор бўлди.

«Оқ тун» дунёдаги кўплаб мамлакатларнинг ўсмир ёшлари орасида катта шуҳрат қозонди. Ҳозир «Оқ тун» жаҳон бўйлаб кезяпти.

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

ДУШАНБА, 28

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.30 «Ҳафтанома».
*
8.30 А. Орипов. «Соҳибқирон». Видеофильм. 6-қисм.
9.10 Қизлар гулдастаси.
9.40 «Ўзбектелефильм» кўрсатади: «Ҳунари бор хор бўлмас».
10.00 Янгиликлар.
10.05 Қишлоқ тадбиркорлари.
10.25 «Кувноқ стартлар».
11.05 «Оляга аталган гуллар». Бадиий фильм.
12.25 «Бозор иқтисодиёти асослари». Иқтисодий шарҳ.
12.45 Узбекистон телерадиокомпанияси хор жамоасининг концерти.
13.15 «Қудуқ». Мультфильм.
13.25 «Илм — узликни билмакдир».
14.00 Янгиликлар.
14.05 — 16.05 Уйғун. «Парвона». Ҳамза номидаги Узбек Давлат академик драма театрининг спектакли.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Мультипанорама».
18.25 «Аёл қалби наволари». Мусиқий дастур.
18.45 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
19.05 «Ишончга асосланган ҳамкорлик».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Биржа ва банк хабарлари.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари».
21.20 «Оҳанглар оғушида».
21.40 «Вақт». Публицистик кўрсатув.
22.00 «Морена Клара». Телесериал.
22.45 «Бу оқшом...»
23.05 «Мозийдан садо».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 «Олам ва одам».
00.15 Футбол. Узбекистон чемпионати. «Дўстлик» — «МҲСК».
01.00 Тунги тароналар.
01.20 — 01.30 «Ватан тимсоллари».
II
18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.35 «Палитра».
19.05 «Услуб».
19.20 «Клип-антракт».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Камертон».
20.10 «Автосалон».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 ЎзФА Ядро физикаси институтининг 40 йиллигига. «Юксалиш». Ҳужжатли фильм.
21.30 «Курьер».
21.50 «Прайм-тайм».
22.00 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.40 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
23.30—00.30 «Спорт қитъаси».
III
17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Айбсиз деб топилсин». Бадиий фильм. 1-серия.
*
Россия жамоат телевидениеси
*
19.10 — 21.35
*
21.35 Узбекистон телерадиокомпанияси камер оркестрининг концерти.
*
Россия давлат телевидениеси
22.00 — 22.30
*
22.30 Эълонлар.
22.35 «Янги қурбон». Телесериал.
23.25 — 23.30 Янгиликлар.
IV
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 Кўрсатувлар анонси.
18.50 «Мультқарусель».
19.05 «Дидар».
19.35 Мультфильм.
19.45 Эълонлар.
19.50 «Жаҳон». Халқаро шарҳ.
20.15 «Авторейд».
20.25 «М»-хабар.
20.35 «Душанба». Публицистик кўрсатув.
20.45 «Шлягер».
21.00 Эълонлар.
21.05 «Кимга — қанақа».
21.35 «5+1». Интервью.
22.05 Тунги сеанс. «Гул ва тош». Бадиий фильм. 1 ва 2-серия.
00.35 «Спорт-тайм».
01.05 Эълонлар.
01.10 — 01.20 «Хайрли тун!».

СЕШАНБА, 29

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Ўзбектелефильм» кўрсатади: «Исмоил Жалилов қуйлайди».
8.50 Биржа ва банк хабарлари.
9.10 «Доно бобо даврасида».
9.30 «Кучук бола ва эски шиппак». Мультфильм.
9.40 «Саховат». Телеочерк.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Кўнгил тароналари».
Ўқув кўрсатувлари:
10.30 Инглиз тили.
11.00 «Китоб ва ҳаёт».
11.30 Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари.
*
12.00 «Муҳаббатнома». Бадиий фильм.
13.30 «Фермер». Тележурнал.
14.00 Янгиликлар.
14.05 «Санъат усталари». Рихси Иброҳимова.
15.05 — 15.45 «Табиат — ҳаёт сарчашмаси». Кинодастур.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Умид учқунлари».
18.30 «Ал-Бишрининг орзу-армонлари». Телесериал.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Дурдона».
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари».
21.20 Оҳанглардан таралган меҳр.
21.40 «Алманах-ТВ».
22.20 Спорт, спорт, спорт.
22.40 «Замон».
22.50 Юртим жамоли.
23.05 «Мусиқий саёҳат».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.20—00.35 «Ватан тимсоллари».
II
18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Тропиканка сири». Телесериал.
19.05 «Мультфейерверк».
19.15 «Олтин кент».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Постфактум».
20.05 «Нафис мажлислар». Хотин-қизлар учун кўрсатув.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 АРТ-журнал.
21.15 «Дойче Вейле» тақдим этади.
21.30 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.10 «Кинонигоҳ».
23.50—00.30 «Спорт қитъаси».
III
17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Айбсиз деб топилсин». Бадиий фильм. 2-серия.
*
Россия жамоат телевидениеси
6.30 — 8.00 «Телетонг».
***
19.10 — 21.35
*
21.35 Опера шинавандаларига.
*
Россия давлат телевидениеси
22.00 — 22.30
*
22.30 Эълонлар.
22.35 «Янги қурбон». Телесериал.
23.25 — 23.30 Янгиликлар.
IV
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультқарусель».
19.00 Эълонлар.
19.05 «Сен ҳақингда ва сен учун».
19.20 «Халқ саломатлиги йўлида».
19.50 «Ҳамкорлик — тараққиёт нишонаси». Туркия ташкил топган кунга бағишланган кўрсатув.
20.20 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
21.10 «Солиқлар ҳақида сабоқлар».
21.25 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
21.55 «Янги иқтисод».
22.25 Эълонлар.
22.30 «Озодлик номидан». Америка тарихи.
22.55 «Коллаж».
23.20 «Жилет-спорт».
23.50 Эълонлар.
23.55 «Доктор Жулия ва миссис Хайдо». Телесериал.
00.15 — 00.25 «Хайрли тун!»

ЧОРШАНБА, 30

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Мусиқий саёҳат».
8.45 «Ўзбектелефильм» кўрсатади: «Музей», «Мангуликка дахлдор».
9.20 «Альманах-ТВ».
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Кувноқлар даврасида».
Ўқув кўрсатувлари:
10.30 Зоология.
11.00 Янги алифбони ўрганамиз.
11.30 «Ассалом, япон тили!»
*
12.10 «Болажон қиз». Бадиий фильм.
13.30 «Бугуннинг ўйлари». Публицистик кўрсатув.
14.00 Янгиликлар.
14.05 — 15.55 Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига. С. Пулатов. «Оқ сарой». Шаҳрисабз халқ театрининг спектакли.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Чамандаги гуллармиз».
18.25 «Бу ёруг оламда Ватан биттадир».
18.30 «Замон билан ҳамнафас».
18.45 «Шукрона». Узбекистон халқ шоири Шукрулло.
19.05 «Сайёрамиз садоси». Публицистик кўрсатув.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Зилол». Фольклор-этнографик ансамбларнинг телевизион фестивали.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари. «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
21.20 «Оҳанглар оғушида».
21.30 «15 дақиқа спорт ҳақида».
21.45 «Морена Клара». Телесериал.
22.30 «Автоолам».
22.45 «Рангин дунё». Бадиий-публицистик кўрсатув.
23.05 «Саҳна ҳаёти».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.25—00.40 «Ватан тимсоллари».
II
18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.25 «Ўйинчоқлар растаси».
18.35 «Табиат дунёси».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Дунё бўйлаб...»
20.10 «Компьютер-Осиё».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Дриблинг».
21.25 «Дойче Вейле» тақдим этади.
21.55 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.35 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
23.25—00.25 «Спорт қитъаси».
III
17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Браслет-2». Бадиий фильм.
*
Россия жамоат телевидениеси
6.30 — 8.00 «Телетонг».
***
19.10 — 21.35
*
21.35 «Шоҳсупа сари йўл».
*
Россия давлат телевидениеси
22.00 — 22.30
*
22.30 Эълонлар.
22.35 «Янги қурбон». Телесериал.
23.25 — 23.30 Янгиликлар.
IV
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Узбекистон муштарак».
18.50 «Мультқарусель».
19.05 «Мафтункор табиат».
19.25 «Среша».
19.55 Эълонлар.
20.00 «ТВ IV канали эксклюзиви».
20.30 «Сенинг суҳбатдошинг».
21.00 «Бугунги Словакия».
21.20 «Тошкент оқшоми».
21.50 «Қалб тароналари».
22.15 «Тошкентнома».
22.45 Эълонлар.
22.50 «Олдузлар жилоси».
23.20 Эълонлар.
23.25 — 23.35 «Хайрли тун!».

ПАЙШАНБА, 31

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Зилол». Фольклор-этнографик ансамбларнинг телевизион фестивали.
8.55 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
9.15 «Қизиқарли учрашувлар». Обид Расулов.
9.35 «Ёрдамчилар». Мультфильм.
9.45 Футбол шарҳи.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Кашф этилаётган имкониятлар».
Ўқув кўрсатувлари:
10.30 Умумий биология.
11.00 «Кирқ ҳунар ҳам оз...».
*
11.30 «Бўрондаги олишув». Бадиий фильм.
12.55 Мумтоз ашулалар.
13.25 «Довондан довонгача».
14.00 Янгиликлар.
14.05 — 15.45 «Тошкентга саёҳат». Фарғона вилоят театрининг спектакли.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.

(Давоми 4-бетда).

Эшитмадим деманглар!

Фақат "Осиё бозори" обуначилари учун!

Газета бундан буён ўз саҳифаларида кроссвордлар, топқирлик машқлари, муаммономалар, жумбоқли топишмоқлар, турли лотерея ўйинларини бериб боради. Кимки барча саволларга тўғри жавоб топса, таҳририятнинг қимматбаҳо совғаси (телевизор, видеомагнитафон, фотоаппарат, диктафон ва бошқа буюмлар)га эга бўлади.

Эслатиб ўтамиз: Сиз бунинг учун энг аввало "Осиё бозори"га 1997 йил учун обуна бўлишингиз шарт. Шундагина сизнинг жавобларингиз эътиборга олинади.

"ОСИЁ БОЗОРИ" ИНДЕКСИ 64742 (якка обуначилар учун). 64567 (ташкилотлар учун).

"ФАРҲОД - ОБИ ҲАЁТ ЛТД"

пул ўтказиш ва вексел йўли билан Тошкентдаги омбордан

СОТАДИ



1. Чўктирма насослар:
CVHU—0315 (ЭЦВ5—6,3-80)
CVHU—0410 (ЭЦВ6—10-80)
CVBU—0710 (ЭЦВ8—40-100)
CVRU—0904 (ЭЦВ10—25-65)
2. КАСКАД типидаги бошқариш станциялари;
3. КГСМ 1х6 кабели;
4. Карбид 4312 (10/80 фракцияда);
5. Икки камерали "ЧИНАРА" маиший музлатгичлари.

БАЗАМИЗДА БАРЧА ТУРДАГИ (МДҲ, Словакия, Польша, Германия) ЧЎКТИРМА НАСОСЛАР ТАЪМИРЛАНАДИ

Манзилимиз: 702050. Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Эшонгузар қўрғони, Н. Ҳожибоев кўчаси — 1А-уй. (Мўлжал: Алгоритм мавзеси Ал-Хоразмий автобекати рўпарасида).

ТЕЛЕФОНЛАР: [297] 740416, 723952, 53438, 52499, 53230.

Янги 10 тоннали «КамАЗ-53202» СОТИЛАДИ ёки ҲОВЛИЛИ УЙГА АЛМАШТИРИЛАДИ.

Автомашина Қашқадарё вилоятида рўйхатга олинган, ҳужжатлари жойида. Баҳоси завод нархидан арзон.

Манзил: Қашқадарё вилояти, Деҳқонобод тумани, М. Горький кўчаси, 21-уй.

Телефонлар: 31-2-53, 31-0-98. Тошкентда: 63-81-33.

ОҚИБАТ

Армонли дунё

Ҳар гал бу шаҳарга йўлим тушганда марҳум отамнинг фронтдош дўсти Собир отани кўрмасдан, унинг пурҳикмат сўзларидан, сермазмун суҳбатидан баҳраманд бўлмасдан уйга қайтмасдим.

Кейинги йилларда узоқ жойларда хизмат сафарларида кўпроқ бўлиб бу шаҳарга келолмаганим сабабли Собир ота билан дийдор кўришмаганимга анча бўлганди.

...Мана, Собир ота истиқомат қиладиган маҳалла: кўчалар янада кўркамлашибди, йўлкалар худди илгаригидек топ-тоза. Дарвозалар саҳни супуриб-сидирилган. Анвойи гуллар кўчалар чиройига чирой қўшиб турибди.

Бироқ Собир ота ҳовлисига яқинлашганимда кўзларимга ишонмай турган жойимда бир зум қотиб қолдим: бир вақтлар мўъжазгина, якка табақали дарвозанинг чап томонида, зилол сув оқиб турадиган ариқча четида улкан чинор бўларди. Чинор шохларига осилган тўқовоқлардаги сайроқи беданалар кишига ором бахш этарди. Ота меҳр қўри билан авайлаб-асраб ўстирган садарайҳонлар теварак-атрофга ҳушбўй таратарди. Чинор остидаги чорпоя ҳар доим озода, сувлар сепилган бўларди. Мошгуруч соқоли нур балқиб турадиган чеҳрасига ярашган ота ўтган-кетганлар билан бир зум ҳол-аҳвол сўрашар, уларни пахта гулли пиёладаги хушбўй чой билан сийларди...

Ажабо, ўша азим чинор жойида йўқ — унинг ўрнида ердан бир қарич чиқиб турган тўнгак қолгандек. Садарайҳонлардан асар ҳам йўқ. Зилол сувли ариқча кўмилиб кетибди. Атрофни ўт-ўланлар, хазонлар босган. Бир табақали дарвозача ўрнини икки табақали баланд, салобатли, нақшинкор темир дарвоза эгаллабди...

...Жипс ёпилган дарвозага яқинлашдим. Одам шарпасини сезган ит ҳовли ичкарисида қаттиқ вовуллаб дарвоза томон ташланди. Ўзимни орқага олдим. Шошилинчда эътибор бермаган эканман, дарвозадаги илгариги: «Бу ерда Улуғ Ватан уруши ногирони яшайди» лавҳаси ўрнида «Бу ҳовлида қопағон ит бор» ёзуви турарди. Орадан бироз фурсат ўтиб итнинг вовуллаши тингач, дарвоза кесакисига ўрнатилган қўнғироқ тугмачасини қайта-қайта босдим. Анча кутдим — жавоб бўлмади. Бу ерда кўп туриб қолишдан ўнгайсизландим — йўлкадан ўтаётганларнинг мен томонга негадир совуқ назар билан қараб-қараб қўйишаётганини сезиб қолдим. Ортимга қарай-қарай дарвозадан узоқлашдим.

Кўчанинг нариги четида бироз тараддуланиб турган маҳалла чойхонаси томон бурилдим — «Балки отани ўша ерда учратарман».

Чойхоначи ҳали ҳам ўша — Собир отанинг қадрдон дўстларидан бири — Тоҳир ота экан. Саломалик дан сўнг Тоҳир отага мақсадимни англатдим. У мени чорпоялардан бирига таклиф қилиб, бир чойнак чой билан пиёла келтирди, ўзи ҳам рўпарамдан жой олди. Чойхоначи негадир Собир ота тўғрисида гап очишга шошилмасди. Сергакланиб оғзига тикилдим. Афтидан у гапни нимадан бошлашни билмай қийналарди. Ниҳоят у оғир уҳ тортиб гап бошлади...

Маълум бўлишича, Собир ота бир йил муқаддам бандаликни бажо келтирибди. Ота умрининг охирги ойларини оғир аҳволда ўтказибди. Одамгарчиликни, меҳр-оқибатни пул, мол-мулкка алмаштириб юборган, олий маълумотли инженерлик дипломини сандиққа итқитиб мўмай пул топишнинг нопок йўлида хорижма-хориж кеза бошлаган эркатой ўғил — Озодбек ва сатанг келинининг сўнгсиз кирдикорлари туфайли ота маҳалла-кўйга, тўй-маъракаларга ҳам аралашмай қолибди, охир-оқибат оғир хасталикка чалинибди.

— Э, ука, аслида отани хасталик эмас, кампири вафотидан кейин кўзимга нур, белимга дармон бўлади деб умид қилган ўғли Озодбекнинг бемеҳрлиги йиқитди. Бир оёғини жанггоҳларда қолдириб келган, бутун умрини эл-юртга бахшида этган, маҳалланинг каттакичиги иззат-икром қилган ота ўз пуштикамаридан бўлган фарзандининг ноқобиллиги туфайли ҳаётдан армон билан кўз юмди. Яхшиямки, бахтига Ёдгорбек бор экан. Дарвоқе, сизга маълумми-йўқми — отанинг Озодбекдан бошқа ҳам ўғли бор. Ота уни фронтдан уйга қайтаётганда поездда «топиб» олган. «Ёдгорбек» деб исм қўйганди. Ота рафиқаси Сарви хола билан Озодбек қатори уни ҳам ювиб-тараб, тарбиялаб вояга етказишди, ўқитиб ҳунарли қилишди, уйлантиришди. Ҳа, билмаслигингиз мумкин. Маҳалладагилар ҳам Ёдгорбек отанинг асранди ўғли эканлигини билишмасди. Чунки ота бу сирнинг ошкор бўлмаслиги, вақти келиб улғайгач Ёдгорбекнинг ўзи ҳам «асранди ўғилман» деб ўксимаслиги учун уруддан кейин орадан кўп вақт ўтмай ўзининг туғилиб-ўсган шинамгина уйини алмаштириб мана шу маҳаллага кўчиб келганди. Озодбек билан хотини Ёдгорбекни ва унинг оиласини ховлини тўлиқ эгаллаб олиш мақсадида «кўзини очиришмади». Бу орада сўнгсиз оилавий жанжалларга бардош беролмай онаизор — Сарви ҳола юрак хасталигига чалиниб вафот этди. Шундан кейин Ёдгорбек отадан «оқ фотиҳа» олиб, ўзи ишлаётган завод берган уч хонали «дом»га оиласи билан кўчиб ўтди. Орадан кўп ўтмай хаста отани ҳам ўз уйига олиб кетди. Ҳа, худди мана шу тутинган ўғил — Ёдгорбек ва унинг оқила умр йўлдоши отанинг мусибатли кунларида кунига яраши, дардига малҳам бўлишди. Отанинг тобути ҳам Ёдгорбекнинг уйидан чиқарилди, отани қабрга ҳам Ёдгорбек қўйди. Чунки бойвачча Озодбек ўша кунлари ҳам бефарзанд, олифта «малика»си билан аллақайси хорижий шаҳарлардан бирида навбатдаги «фароғат сафари»да юрганди»...

Тоҳир отанинг сўнгги сўзларини эшитиб нафасим бўғзимга тиқилди, кўз олдим қоронғилашди, кўксимда пайдо бўлган оғриқдан инграб юбордим: «Ё раб, бу қандай бедодликки, одам ўткинчи мол-дунё, айш-ишрат деб муқаддас инсоний туйғуларни оёқ ости қилса, фарзанд ўз отасининг оғир хасталигига парво қилмай сайру саёҳатда юрса, қўни-қўшни, маҳалла-кўй, танишу нотанишлар умрининг сўнгги манзилига иззат-икром билан кузатишаётган ўз падари тобутини кўтаришга, қабрига бир ҳовуч тупроқ ташлашга ярамаса»...

Ортиқ чидай олмадим — ўрнимдан даст турдиму Тоҳир отадан сўраб-аниқлаб Собир ота дафн этилган қабристон томон йўл олдим.

...Мана, Тоҳир ота айтганидек — Ёдгорбек умр йўлдоши ва фарзандлари билан атрофида ота хуш кўрган садарайҳонлар ўстирган, устини ҳафсала билан сомонсувоқ қилиб қўйган Собир отанинг қабри. Бегоналардан вафо, ўз жигаргўшасидан жафо кўрган отанинг ғарибгина қабри ёнида тиз чўкиб кўзда ёш билан тиловат ўқидим, майин куз шабадасида беозоргина тебранишиб атрофга муаттар бўй таратаётган садарайҳоннинг бир нечта новдасини қабр устига қўйдим.

Бир умр эзгу ният билан яшаган, покиза инсон Собир ота қабридан узоқлашар эканман, чорпояда ўтириб ўтган-кетганга эзгу ният билан чой узатаётган, кўнгли каби оппоқ яктакли Собир отанинг нурли сиймоси ва ҳаром йўл билан топилган зебу-зийнат қулига айланган бағритош Озодбекнинг жирканч башараси кўз олдимдан нари кетмасди...

...Икки томонида кўкка бўй чўзган сарвқад тераклар саф тортиб турган йўл бошида қабристон томонга келаётган ёшларни кўриб сергакландим, ғам-андуҳдан эзилган кўнглим бироз равшанлашди. Қўлларида гулдаста тутган ёш йигит билан қиз барно қизча ва жажжи ўғилчани етаклашиб, мен билан илиқ салом-алик қилишиб ёнимдан ўтиб кетишди. Беихтиёр орқамга ўгирилиб уларнинг ортидан анча вақт қараб қолдим. Назаримда улар қабристон дарвозасидан ичкарига киришгач Собир ота қабри томонга бурилгандай бўлишди. Негадир кўнглимдан «Ёдгорбек шу йигит эмасмикин?» деган фикр ўтди. Ҳа, бўлиши мумкин. Энг муҳими — ҳаётда Ёдгорбеклар кўп. Улар олдида ҳар қанча таъзим қилсанг арзийди. Улар бор экан — эзгулик ҳам, оқибат деган муқаддас туйғу ҳам мангу боқийдир!

Юсуф МУҚИМБОЕВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»НИ ИШ ПАЙТИДА ҲАМ ЎҚИШАДИ



ГАЗЕТАГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА.

Муҳаммад АМИН олган сурат.

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Одилжон ОЛИМЖОНОВ, Ислом ШОҒУЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), **Аслиддин БОЛИЕВ** (бош муҳаррир ўринбосари, «Осиё бозори» учун масъул), **Владимир ЧЕБОТИН** (бош муҳаррир ўринбосари — «Голос Узбекистана»), **Алимқул СУЛТОНОВ** (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»), **Александр ТЮРИКОВ** (масъул котиб — «Голос Узбекистана»).

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-07-20, 36-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 33-11-49, 36-54-06.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-47-80.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, факс — 33-79-14.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 24-16-48;
Бухорода — 3-54-87;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-75-43;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-22-90;
Тошкентда — 33-12-56;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 22-36-78;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир Қ. ЭШМАТОВ, навбатчи С. ЙЎЛДОШЕВА.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120

Газета офсет усулида А—2 форматида 26.845 нусхада босилди

Ҳажми 2 босма табоқ

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 0563

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 22.30

1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

(Давоми. Боши 3-бетда).

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Катта танаффус».
18.30 «Акциядор луғати».
18.50 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
19.10 «Дилнавоз садолар».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Юзма-юз». Мулоқот.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари».
21.15 «Рақсларда умр баҳори».
21.30 «Мутойиба».
21.50 «Ватанни қўмсаб...»
22.10 «Дилнавоз садолар».
22.25 Олтин мерос. «Гариблар». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли. Бош ролни Халқ артисти Наби Раҳимов ижро этган.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Олтин мерос. «Гариблар». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли. Бош ролни Халқ артисти Наби Раҳимов ижро этган (давоми).
00.50 Тунги тароналар.
01.10 — 01.20 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.25 «Тропиканка сири». Телесериал.
19.15 «Сизнинг имконият».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
20.10 «Дармон».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Видеогид».
21.25 «Бизнес-уик».
21.40 «Дойче-Вейле» оҳанглари ва Эълонлар.
22.20 «Кинонигоҳ».
24.00 — 00.30 «Спорт қитъаси».

III

17.45 Янгиликлар.
17.50 Эълонлар.
17.55 «Дўстим Тиманчи». Бадиий фильм.

*

Россия жамоат телевидениеси

6.30 — 8.00 «Телетонг».

* * *

19.05 — 21.35

*

21.35 «Коинот».

*

Россия давлат телевидениеси
22.00 — 22.30

*

22.30 Эълонлар.
22.35 «Янги қурбон». Телесериал.
23.25 «Фильмлар ва тақдирлар». Й. Аъзамов.
00.05 — 00.10 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Ҳамшаҳарлар».
19.30 Эълонлар.
19.35 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
20.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.55 «Каталог».
21.10 Эълонлар.
21.15 «02 тўлқинида».
21.30 «Эллада».
21.50 «Эколот-коктейль».
22.20 Эълонлар.
22.25 «Компьютер-ревю».
22.50 «Интер-спорт».
23.00 «Шамол қанотларида само сари йўлланди». Телесериал (Япония).
23.30 — 23.40 «Хайрли тун!».

ЖУМА, 1

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 «Юзма-юз». Мулоқот.
8.45 «Ўзбектелефильм» кўрсатади: «Ассалом, азизларим!».
9.00 Эстрада қўшиқлари.
9.30 Немис тили.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Биз ҳиссадор бўлдик».
10.25 «Асрлар нидоси». Кинодастур.
11.05 «Али-кичкина». Андижон қўғирчоқ театрининг спектакли.
11.40 «Инсон ва замин». Тележурнал.
12.15 «Замира Суюнова куйлайди». Фильм-концерт.
12.40 «Малласоч малика». Бадиий фильм.
14.00 Янгиликлар.
14.05 — 15.05 «Маърифат» видеоканали.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Митти қолдузлар».
18.30 «Аудитория».
18.50 Бизнес ҳафта якунлари.
19.00 «Тақдим».
19.05 «Мутолаа».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Эртага — шанба».
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари».
21.20 «Ривоят».
21.30 «Таниш ва номаълум».
21.50 «Морена Клара». Телесериал.
22.40 «Мафтункор чеҳралар».
23.05 «Оҳанглар оғушида».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Бизнес ҳафта якунлари.
00.05 Тунги тароналар.
00.25 — 00.35 «Ватан тимсоллари».

II

9.00 «Мульти-пульти».
9.20 «Таманно».
9.30 Мулоҳаза учун мавзу.
9.50 Дилором наволар.
9.55 Видео янгиликлари.
10.10 Видео — «О».
11.50 — 14.00 «Спорт қитъаси».

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Бор эканда, йўқ экан...»
18.35 «Кинохроника».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Компьютер-Осиё».
20.15 «Ўйинчоқлар растаси».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Сиздан ишорат».
21.40 «Ракурс».
22.00 «Камолот».
22.20 Хит-парад ва Эълонлар.
23.00 — 23.50 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Одаматонинг қовурғаси». Бадиий фильм.

*

Россия жамоат телевидениеси

6.30 — 8.00 «Телетонг».

* * *

19.15 — 21.35

*

21.35 «Ёш овозлар». Фильм-концерт.

*

Россия давлат телевидениеси
22.00 — 22.30

*

22.30 Эълонлар.
22.35 «Янги қурбон». Телесериал.
23.25 — 23.30 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Умид чечаклари».
19.30 Эълонлар.
19.35 «Билиб қўйган яхши».
20.00 «Йўлингиз бехатар бўлсин!».
20.30 Эълонлар.
20.35 «Коинот».
21.05 «Саломатлик — туман бойлик».
21.35 Эълонлар.
21.40 «Мусиқий меҳмонхона».
22.10 «Ўтмишсиз келажак йўқ».
22.40 «ТВ IV да «Немис тўлқини».
23.10 «Бу бўстон аро».
23.40 Араб эстрадаси.
00.05 — 00.15 «Хайрли тун!».

ШАНБА, 2

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Тараннум». Мусиқий дастур.
9.05 «Охирги икки». Бадиий фильм.
10.10 «Халқ иҳодиёти».

«Ёшлик» студияси намойиш этади:

10.35 «Мулоҳаза, мунозара, муносабат».
11.05 «Хабарнома».
11.15 «Ёш куч» тележурнали.
11.45 «Биз қуйлаймиз».

*

12.15 «Суюнчи». Бадиий фильм.
13.30 «Шоҳруҳ» клуби.
14.00 «Улғайиш погоналари». Тележурнал.
14.20 — 14.50 «Армонли дунё». Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Тоҳир Маҳрамов.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Совға».
18.20 «Олам».
18.35 «Мактуб».
18.50 «Оҳанглар оғушида».
19.10 «Ҳайрат».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.15 «Оҳанглар оғушида».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари».
21.20 «Азиз симолар». Лутфихоним Саримсокова.
21.40 Футбол. Ўзбекистон кубоги. Ярим финал. «МҲСК» — «Пахтакор».

«Тунги ёғду».
Дам олиш дастури:

22.25 «Заковат».
22.35 Жаҳон киноси юлдузлари.
22.55 «Имкон чўққилари».
23.05 «Шаҳаншоҳ». Бадиий фильм. 1—2-серия.

II

9.00 «Бор эканда, йўқ экан...».
9.20 «Кинохроника».
10.10 «Компьютер-Осиё».
10.30 «Ўйинчоқлар растаси».
10.40 «Сиздан ишорат».
11.20 «Ракурс».
11.40 «Камолот».
12.00 «Кинонигоҳ».
13.40 — 14.40 «Спорт қитъаси».

* * *

18.00 «Бугуннинг боласи».
18.20 «Жозиба».
18.30 Эълонлар.
18.35 «Норизо ва ношукурлар». Телесериал.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Дубляж».
20.10 «Жозиба».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.

«Шанба оқшоми».
Дам олиш дастури:

21.00 «Зиндаги ёхуд муҳаббат».
21.25 «Алмисоқдан қолган дўкон».
21.35 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.15 — 23.55 Видео — «О».

III

17.50 Дастурнинг очилиши.
17.55 «Йилқибоқарлар». Телефильм.

*

Россия жамоат телевидениеси
18.20 — 21.35

*

21.35 «Янгра, дутор». Фильм-концерт.

*

Россия давлат телевидениеси
22.00 — 22.30

*

22.30 Эълонлар.
22.35 «Мусиқа—ҳамма учун».
23.00 — 23.10 «Гилон». Телефильм.

IV

9.00 «Шанба эртаги».
10.00 Эълонлар.
10.05 «Рақслар қанотида».
10.35 «Чинсэн».
11.05 «Клип-антракт».
11.10 Адабий театр.
11.20 «Комедиантлар».
11.40 «Тақдирлар».
12.10 Кинонинг олтин асри. «Графиня Коссель». 1-серия (Польша).

* * *

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00 Шанба оқшомида.
19.10 «Олам ва одам».
19.35 Эълонлар.
19.40 «Комедиантлар».
20.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.50 «Спектаклдан сўнг».
21.25 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.30 «Салом, Франция!».
22.00 «Бу ажиб дунё».
22.20 «Хит-коллекция».
22.35 «Беш дақиқа ўзинг учун».
22.40 «Жилет-спорт».
23.10 Эълонлар.
23.15 Кинонинг олтин асри. «Графиня Коссель». 2-серия (Польша).
00.45 Эълонлар.
00.50 — 01.00 «Хайрли тун!».

ЯКШАНБА, 3

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 Эркин кураш. Ўзбекистон биринчилиги.
11.30 «Йўлингиз ойдин бўлсин!»
11.55 «Ташриф». Дам олиш дастури.
12.30 М. Бобоев. «Кунгил кўчалари». Видеофильм. 14-кўй.
13.10 «Қувноқ стартлар».
13.50 «Ўғри ҳам одам». Бадиий фильм.
15.00 — 16.00 «Болалигим — пошшолигим». Видеоканал.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Гулгунчалар».
18.15 «Ал-Бишрининг орзу-армонлари». Телесериал.
19.05 «Келгуси ҳафтада».
19.20 «Соғинч».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 «Бир қлка-ки...»
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ҳафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 «Буюк келажак сари».
21.25 Илҳом сатрлари.
21.30 «Мусиқа салтанати».
21.50 «Шаҳо ва баҳс».
22.15 Диққат, премьера: М. Бобоев. «Кунгил кўчалари». Видеофильм 15-кўй.
22.55 Футбол олами.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ҳафтанома».
24.00 «Келгуси ҳафтада».
00.15 Футбол. Ўзбекистон кубоги. Ярим финал. «Нефтчи» — «Дўстлик».
01.00 Тунги тароналар.
01.20 — 01.30 «Ватан тимсоллари».

II

9.00 «Бугуннинг боласи».
9.20 «Жозиба».
9.30 «Дубляж».
9.45 «Жозиба».
10.00 «Зиндаги ёхуд муҳаббат».
10.25 «Алмисоқдан қолган дўкон».
10.35 Видео — «О».
12.15 — 14.00 «Спорт қитъаси».

* * *

18.00 Бугун ТВ-2 дастурида.
18.05 Эълонлар.
18.10 «Даракчи».
18.20 «Мульти-пульти».
18.40 Табиат шифохонаси».
18.50 «Таманно».
19.00 Мулоҳаза учун мавзу.
19.20 Дилором наволар.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 Видео янгиликлари.
20.15 Якшанба лавҳаси.
20.20 Бугун кино оқшомида.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ҳафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 «Мухлис-ТВ 2».
21.20 «Норизо ва ношукурлар» туркумидан. Телесериал.
22.00 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.40 Видео — «О».
00.20 — 00.25 Дастур ниҳояси.

III

17.10 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.

*

Россия жамоат телевидениеси
17.15 — 23.10

*

23.10 Эълонлар.
23.15 «Мактуб». Телесериал. 6-серия.
00.05 — 00.35 «Панорама».

IV

9.00 «Эй! Тонгингиз хайрли бўлсин!».
9.30 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
9.40 «Эртакларнинг бу сеҳрли олами».
11.20 Эълонлар.
11.25 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
11.55 «Парле ву франсе?».
12.25 «Подиум».
12.45 «Афсоналар ва ҳақиқат». Ҳужжатли кино.
13.15 «Иштирок этувчилар».
13.45 «Муз-антракт».
14.05 «Кинопрофи». Жаҳон кинематографияси янгиликлари.
14.35 Киносалон. «Каллакесарлар ороли». Бадиий фильм.
16.35 «Биргалашиб куйлайлик».
17.20 «Мусиқий Олимп».
17.35 Эълонлар.
17.40 «Телеташриф».
18.00 Мультэкран.

*

18.10 — 19.45 Туркия телевидениеси.

*

19.45 «Мультқарусель».
20.00 «ТВ IV да етти кун».
20.15 «Туризм-ревю».
20.50 «Муз-антракт».
20.55 Эълонлар.
21.00 «ТВ IV да етти кун».
21.15 «Кинопрофи». Жаҳон кинематографияси янгиликлари.
21.45 «Оқ соя».
22.15 Эълонлар.
22.20 «Голливуд-рок». Ёшлар мусиқий кўрсатуви.
22.45 Киносалон. Кристофер Уолкер «Интиқом куни» фильмида.
00.45 Эълонлар.
00.50 — 01.00 «Хайрли тун!».

СПОРТ

ПЕШҚАДАМЛАР МАВҚЕИ

Олий табақа футбол жамоалари ўртасида 28-тур ўйинлари бўлди: МҲСК — «Навбаҳор» — 2:2, «Нефтчи» — «Нурафшон» — 4:0, «Динамо» (С) — АСК — 3:0, «Наврўз» — «Сўғдиёна» — 1:0, «Янгиер» — «Пахтакор» — 1:0, «Машъал» — «Дўстлик» — 1:2. Ҳозир «Навбаҳор» — 70, «Нефтчи» — 66, МҲСК — 56 та очко билан олдинда боришмоқда.

ЧАВАНДОЗ ХОТИРАСИ

Тошкентда республика очиқ чемпионати ўтказилди. Тўсиқлардан ошиш мусобақаси қизиқарли бўлди. Одатда баландлиги 125 сантиметрли тўсиқларга от солинади. Америкача конкурс эса 130 сантиметр қилиб белгиланган. Тошкентлик халқаро тоифадаги спорт устаси Даврон Рўзимуҳамедов бўлса, ўзининг «Афсона» тулпорида 140, кейин 150 сантиметрли тўсиқлардан муваффақиятли ўтиб, моҳир чавандоз Мамажон Исмоилов хотира совринини қўлга киритди.

«МЕРИДИАН-А» фирмаси

табиий ва шифобахш
«Истиқлол»
Тошкент маъданли сувини таклиф этади.

Сиғими-1,5 литр, пластмасса идишда.
Ҳақ тўлаш шакли - пул ўтказиш йўли билан
Маҳсулотларни сотиш бўйича дистрибьютерлар ва агентларни ҳамкорликка чорлаймиз.

Манзил: Тошкент тумани, Тулабей жамоа хўжалиги, Собир Зокиров кўчаси, 3-уй.
Мўлжал: «Тошкент минерал сувлари» санаторийси
Телефонлар: (3712) 45-98-28, 78-12-57, 30-40-93.

Ўзбекистон Республикаси
"Ўзэлектркабелсавдо"
улгуржи-савдо воситачилик фирмаси акционерлик жамияти

Пул ўтказиш йўли билан қуйидаги маҳсулотларни

СОТАДИ

- ✓ кучланиш трансформаторлари ва подстанциялар;
- ✓ электр пайвандлаш асбоб-ускуналари;
- ✓ турли русумдаги электродвигателлар;
- ✓ турли русумдаги ёритгичлар;
- ✓ люминиценти, симобли, оддий усулда пишиқтирилган лампалар;
- ✓ тирқишли аккумуляторлар;
- ✓ кислотали аккумуляторлар;
- ✓ кенг турдаги кабель-ўтказгичли ҳамда халқ истеъмоли маҳсулотлари.

Бундан ташқари столлар, стуллар ва идиш-товоқларни фойдаланиш учун бериб туришни

ТАКЛИФ ЭТАДИ

Фирма имтиёзли равишда мол-хом ашё биржасида ва "Ўзулгуржибиржасавдо"нинг доимий фаолият кўрсатувчи ярмаркасида шартнома асосида маҳсулот сотишни амалга оширади.
Чет эл ва МДҲ давлатларидаги фирмаларнинг маҳсулотини консигнация асосида сотиб бериш юзасидан шартномалар тузади.
Яхши жиҳозланган, темир йўл бўлимлари кириб борган омборхона биноларини ижарага бериш имкониятига эгамиз.
Фирма электротехника ва кабель-ўтказгичли маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган қўшма корхона ташкил этишдан манфаатдор.
"Ўзэлектркабелсавдо" акционерлик жамияти республикамиздаги истеъмолчилардан 1997 йил учун электр ва кабель-ўтказгичли маҳсулотларни етказиб беришга буюртмалар қабул қилишни бошлаб юборди. Ўзбекистон Республикасидаги маҳсулот ишлаб чиқарувчи заводларга буюртма бериш, шунингдек уни МДҲ давлатлари ҳамда Болтиқбўйи республикаларидан келтириб сотиш учун буюртмалар қабул қилинмоқда.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, 700094, Мўйноқ кўчаси, 135-уй.
Маълумот учун телефонлар: 98-68-46, 92-32-16, 92-32-49, 90-66-94, 98-68-47.
Факс: 90-73-84, телетайп 116187 привод.

Тошкент Давлат юридик институти жамоаси ходимлар бўлим бошлиғи Зарифа Хусаиновага онаси **Хотирахон АБДУҲАКИМОВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.